Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 17 (20. 584) • 1990 йил 20 январь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАР УЧИРИЛДИ

1990 йил 17 январда Совет Иттифоқида «Союз» учирувчи ракетаси билан Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос—2055» учирилди.

* * *

1990 йил 18 январь куни Совет Иттифоқида «Космос» учирувчи ракетаси билан Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос—2056» учирилди.

(ТАСС).

ҚАЙТА ҚУРИШГА БУТУН КУЧ ВА ҒАЙРАТНИ САРФЛАЙЛИК

Илгари хабар қилинганидек, 18 январда Москвада ишчилар синфи, деҳқонлар, инженер-техник ходимлар вакилларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Катта Кремль саройида заводлар, фабрикалар, ишлаб чиқариш бирлашмаларидан, колхоз ва совхозлардан, кооператив-лар, ижарачи коллективлар, фан-техника, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотлардан вакил бўлиб келганлар тўпланишди.

Кенгашда М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, В. А. Ивашко, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, Э. А. Шеварднадзе, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов, И. Т. Фролов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар иштирок этмоқдалар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси **М. С. Горбачев** кириш нутқи билан очди.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг кириш нутқи

Азиз ўртоқлар! Ишчилар синфи, деҳқонлар, инженер-техник ходимлар вакилларининг Бутуниттифоқ кенгашини оча туриб, аввало сизларни партия Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ ўтказилаётган шу учрашувда табрикламоқчиман, сизлар орқали мамлакатимиз меҳнаткашларини табрикламоқчиман.

Биз ушбу кенгашнинг ваколатли характерини ҳам, унинг ўтказилиш вақтини ҳам, бугун ҳал этилаётган қайта қуриш, жамиятимизни янгилаш вазифаларини ҳам эътиборга олиб, унга катта аҳамият беряпмиз.

Долзарб масалалар, муаммолар хусусидаги фикрингизни, мулоҳазаларингизни эшитмоқчимиз. Қайта қуриш ўз ривожининг қийин, ҳатто айтишим мумкинки, ҳал қилувчи босқичига қадам қўйди. Маълум даражада, митинглар даври, гарчи улар ҳали ҳам ўтказилиб турган бўлса-да, ортда қолди. Қайта қуриш сиёсати, унинг асосий мақсадлари хусусидаги мунозаралар ортда қолди. Биз ана шу сиёсатни амалга ошириш-нинг ғоят муҳим босқичига етиб келдик.

Қайта қуриш ҳам кенгайиб, ҳам чуқурлашиб, бепоён мамлакатимизнинг барча қатламларини, турмушимизнинг ҳамма соҳаларини қамраб олмоқда. Модомики, чуқур, асосли ўзгаришлар ҳақида гап бораётган экан, бусиз эса жамият янгилана олмайди, у ўзининг янгича амал қилиш даражасига, уни янгича ташкил этиш даражасига чиқа олмайди, бу жараён кескин шаклларга ҳам кириб бормоқда, буни ҳаммангиз сезиб турибсиз, ҳаммамиз сезиб турибмиз. Биз эски билан янгининг, турли мавқелар, фикрлар ва турган гапки, манфаатларнинг ҳал қилувчи тўқнашувида иштирокчилар бўлиб қолямиз. Одамлар ҳозирги вазиятни билиб олишни, унинг истиқболларини тушунишни, барчамизни эртага нималар кутаётганини тушунишни истайдилар.

Қайта қуришни, унинг йўналишини танлаб олишда хатоларга йўл қўймадикми, деган савол туғилади. Турган гапки, ҳамма ижобий ўзгаришлар қачон барқарор тус олишни ва салмоқли натижалар берадиган бўлишини билишни истайди. Буларнинг барчаси табиий, ҳаётий масалалардир. Чунки бизнинг одамларимиз шундайки, уларни ўз тақдиригина эмас, шу билан бирга меҳнат коллективи, республикаси, халқи, бутун мамлакатининг тақдири ҳам қизиқтиради.

Бугунги муҳокама олдидан шу муносабат билан нималар демоқчиман? Биз доклад қилмасликка, балки мумкин қадар кўпроқ вақтни сизга беришга қарор қилдик, бунинг устига кейинги вақтда сиз кўп доклад ва нутқлар тингладингиз. Эҳтимол, ишни сизнинг нутқларингиздан, мулоҳазаларингиздан бошлаш тўғри бўлур эди. Умид қиламанки, сиз бу ерга, Катта Кремль саройининг залига ана шундай мулоҳазалар билан келгансиз.

Хуллас, ушбу кенгашда мунозара олдидан кириш нутқида қуйидагиларни айтмоқчиман.

Энг аввало шуни таъкидламоқчиманки, кимнингдир хом хаёли, кимнингдир субъектив истаги, интилиши, нафсонияти эмас, балки ҳаётнинг ўзи бизни туб қайта қуриш ғояларига олиб келди. Қайта қуриш биз учун зарур. Биз аввалгидек яшай олмаймиз, вассалом. Қайта қуриш бизга ҳаводек зарур. Социалистик тузумимизнинг имкониятларини юзага чиқариш учун зарур. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида биз тўпланган жуда катта капиталдан фойдаланиш учун зарур. Бунда мен жамиятимизнинг илмий-техникавий ва бутун ақлий қудратини назарда тутаман. Ҳозирги авлодларнинг ҳам, келажак авлодларнинг ҳам ҳаётини яхши таъминлаш учун кундан-кунга яхшироқ тасарруф этишимиз керак бўлган жуда катта ресурсларни назарда тутаман. Биз социал муносабатларни ташкил этиш соҳасида катта тажриба тўпладик, бу ҳам тузумимизни, халқ тузумини янгича тушунишга эришиш учун пухта фикрланиши ва фойдаланилиши керак. Ниҳоят, энг муҳим гапни айтишни истар эдим. Қайта қуриш сиёсатининг бошланғич нуқтаси — ҳар холда инсон тўғрисида ғамхўрликдир. Биз айни қайта қуриш сиёсатининг марказига инсонни, унинг турмуши ва ташвишларини, манфаатлари ва интилишларини, янги авлодларнинг ишончли келажагини қўйдик. Бутун экономикамизни, сиёсий жараённи маънавий тараққиётни худди ана шу томонга қаратиш, буриб юбориш, одамларни ишлаб чиқариш воситаларидан ҳам, Советларнинг ишидан ҳам, мамлакатини бошқаришда иштирок этишдан ажралиб қолиш натижасида улар тушиб қолган ҳолатдан чиқариш энг муҳим масаладир. Албатта, бу тарихий қўламга эга бўлган вазифадир. Бошқача қилиб айтганда биз социалистик йўлдан воз кечмаслигимиз у ёқда турсин, балки жамиятни янгилаш орқали социалистик тузумнинг инсонпарварлик характерини очиб бермоқчимиз. Инсонпарвар, демократик жамиятга бормоқчимиз. Иқтисодиёти жўшқин бўлган, фан ва маданияти юксак даражага эришган, инсонга лойиқ турмуш даражаларига эга бўлган жамият сари боришни истаймиз.

Аслини олганда қайта қуришнинг формуласи ва асосий нияти шудир. Биз интилаётган жамиятда инсон ҳуқуқлари пухта ва ишончли суръатда ҳимоя қилинган, муносиб ҳаёт кечириш учун, юқорида айтганимдек барча шароитлар яратилган бўлиши керак.

Ҳозирги беш йилликнинг тўрт йили катта ишларга изланишларга бойдир, яқин келажак учунгина эмас, балки истиқболдаги ўн йилликлар учун ҳам давлат ва мамлакат тақдирини белгилайдиган қийин, муҳим қарорларни қабул қилиш билан бойдир. Улар жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, социал ва маънавий соҳаларидаги дастлабки ўзгаришлар билан бойдир. Ҳар доим бўлганидек, дастлабки қадамлар — энг қийин қадамлардир. Улар кўп фикрлашга, безовталикка, адолатли безовталикка сабаб бўлмоқда, чунки гап бизнинг ҳозирги ва эртанги тақдиримиз ҳақида бормоқда.

Бугун айтишимиз мумкинки, қайта қуриш шарофати билан мамлакатимизда демократия ва ошкоралик муҳити қарор топиб бормоқда. Ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг овози борган сари аниқ ва баралла эшитилмоқда. Аммо ўйлашимча, сиз бу ҳақда — демократия ҳақида ҳам, ошкоралик ҳақида ҳам, ўз ролингиз ҳақида ҳам, ана шу жараёнлар қандай бораётгани ҳақида ҳам фикрингизни айтасиз. Ўйлайманки, сизнинг айтадиган гапингиз бор ва биз ана шу ахборот бу ерда партия Марказий Комитети учун баён этилишидан манфаатдормиз.

Бу оддий жараён эмас, лекин у бизга керак, ўртоқлар. Бинобарин биз уни ҳимоя қилишимиз лозим — мен жамиятимизни демократиялаш жараёнини назарда тутаман. Бу жараённи тўхтатиб қолишни истайдиганларнинг ҳам, ундан нолойиқ мақсадлар йўлида фойдаланишни истайдиганларнинг ҳам фикрини эшитишни хоҳлаймиз. Ҳолбуки уларнинг ҳар иккаласи ҳам мавжуд.

Биз иқтисодиётда чуқур ислоҳотлар йўлига ўтдик — бу ҳол мулкчилик муносабатларини, хўжалик юритиш ва бошқариш шаклларини қамраб олди. Ишлаб чиқаришда одамнинг мавқеи анча ўзгармоқда, бу эса ҳаётнинг асосий соҳасидир. Бизнинг жамиятимиз қандай бўлиши иқтисодиётдаги ўзгаришлар қандай боришига, қандай тусга киришига ҳам ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Бу биз жамиятимизнинг базиси деб аталган ўрганиб қолган нарсадир.

Қайта қуриш халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга йўл очиб берди. Биз хўжалик юритиш ва бошқаришнинг янги шаклларини, рағбатлантиришнинг янги системаси орқали меҳнат унумдорлигининг янги даражасига чиқиб олиш учун меҳнаткаш инсонларнинг манфаатларини фан-техника тараққиётининг ютуқлари билан қўшмоқни истаймиз. Қайта қуриш арафасида аранг ошиб борган меҳнат унумдорлигининг янги даражасига чиқиб олишни истаймиз. Меҳнаткашнинг манфаатдорлигига ҳамда фан-техника тараққиётидан фойдаланишга асосланган меҳнат унумдорлигини ўстиришсиз эса ҳеч қандай янги меҳнат даражаси бўлмайди.

Сиёсий ислоҳотнинг биринчи босқичидан, қийинчиликлар ва хатолар бўлса ҳамки, ўтилди. Бу йўлдан сизнинг кўз ўнгизда ўтилди. Халқ ҳокимияти органларининг юқори қатламлари ташкил этилди, янги СССР Олий Совети тажриба тўпламоқда. Қонун ҳужжатларини янгилаш жадал бормоқда, авж олиб кетган қайта қуриш жараёнлари учун ва ҳуқуқий социалистик давлат қуриш йўлида катта қадамлар ташлаш учун ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Биз республика ва маҳаллий Советларга сайлов арафасида турибмиз. Бу сайлов сиёсий ислоҳотнинг янада чуқурлашувини англатади ва одамларнинг давлатни бошқаришда амалда иштирок этиши учун янги имкониятлар очиб беради. Сиз бу жараённи қандай баҳолашингиз биз учун жуда муҳимдир, биз бунга жуда катта аҳамият берамиз. Советларнинг мавқеи ва ролидаги туб ўзгаришлар уларнинг янги вазифалари орқали ҳам, у ерга келадиганлар орқали ҳам амалга ошиши мумкин. У ерда, Советларда ҳал қилувчи куч бўладиганлар орқали амалга ошиши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси қандай бормоқда? Сиз ҳозиргина жойлардан келдингиз, ҳамма ишлар кўз ўнгизда амалга оширилмоқда.

Мен бизда ташвишланиш бор, деб айтаман, бу ташвиш ҳали ўтиб кетгани йўқ. У аввалги сайлов кампанияси жараёнида, сиз билан биз СССР халқ депутатларини кўрсатган ва сайлаган вақтимизда пайдо бўлган эди. Ушбу жараёндаги камчиликлардан ҳозирги босқичда ҳам ҳали қутилганимиз йўқ.

Ўртоқлар, айни ҳозирги йилда, олдимизда турган сайловни ҳисобга олиб, Иттифоқ ва республика органларининг ҳуқуқ доираларини аниқ белгилаб қўйиш тўғрисидаги қарорларни, маҳаллий ўз ўзини бошқариш тўғрисида қонун қабул қилишни ҳисобга олган ҳолда ҳокимиятни Советларга топшириш масаласи кўп жиҳатдан ҳал қилинади. Худди ана шу мақсадда биз ҳозирги босқичдаёқ Советларга мамлакатнинг ҳамма регионларида энг кучли кадрларни киритиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қадам қўйдик. Худди шунинг учун ҳам гарчи баъзи бировлар бошқача талқин қилишни истасаларда, биз ҳамма қийинчиликларга қарамай, ана шу ходимларнинг иш ҳақи масаласини ҳал қилаётирмиз, чунки у ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётганларнинг иш ҳақидан бир ярим баравар, ва ҳатто икки баравар кам эди. Ҳолбуки, худди ўша ердан энг фаол, саводли ва билимдон кишилар келмоқда, ҳеч қаерда керак бўлмаган одамлар эмас, балки ана шулар Советларда ишлаши керак.

Қайта қуриш маънавий соҳада жўшқин ўзгариш жараёнларини келтириб чиқарди. Ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби бу соҳада ўзгаришлар бир текис бораётгани йўқ, менга қолса, зиддиятли бормоқда, деган бўлур эдим. Бу ҳол кўп ташвиш ва ҳаяжон туғдирмоқда. Шунга қарамай, ҳар қанча камчиликлар бўлса ҳам бу соҳада асосий тенденция кўзга ташланаётир. У жамиятнинг маънавий жиҳатдан қайта дунёга келишидан, социалистик умуминсоний қадриятлар негизида янги маънавий муҳитнинг шаклланишидан иборатдир.

Худди ана шу асосий, соғлом тенденцияни мустаҳкамлаш керак. Ҳар қандай кўпикка қарши, жамиятнинг маънавий қайта дунёга келиш жараёнини лойқалаштириш учун бизга ташқаридан тиқиштирилаётган барча нарсаларга қарши қатъият билан курашиш керак. Шу ўринда ҳамма нарсани ўз номи билан аташдан уялмаслик зарур.

Аслини олганда ўзгаришлар давомида покланиш, назаримизда янгиланган жамиятнинг характерини белгилаб берадиган ҳаётнинг янги шаклларини яратиш жараёни бормоқда. Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий кескинлик чоғида биз, эҳтимол, ҳамма вақт ҳам ўзгаришларнинг дастлабки реал натижаларини пайқамаётгандирмиз. Лекин булар бор. Саросимага тушиб қолмаслик, ҳамма нарса вайрон бўлаётир, демаслик учун буни ҳам кўрмоқ зарур. Ҳолбуки, эски нарсалар вайрон бўлаётир. Олдинги авлодлар яратган муҳим, қимматли нарсалар ҳам бунда зарар кўрса, унда бошқа гап. Ана шу нарсаларни сақлаб қолиш керак. Умумий куч-ғайратимиз билан сақлаб қолишимиз ҳеч кимнинг уларни бузишига имкон бермаслигимиз керак.

Гарчи қийинчиликлар билан бўлса-да, иқтисодиётимизни инсоннинг хилма-хил эҳтиёжларини қондиришга қаратиш ишлари бормоқда. Бу биз амалга оширишимиз керак бўлган ҳал қилувчи бурилишдир. Албатта, жуда катта иқтисодиётимизнинг инерцияси шундайки, унинг бурилиши учун вақт талаб қилинади. Сизларнинг олдингизда бу ҳақда узоқ гапириб ўтиришимга ҳожат йўқ. Чунки ҳатто бир заводнинг соҳасини ўзгартириш ёки янгилаш учун ҳам унинг йўлларини аниқлаш, ресурслар қидириб топиш, ҳамма нарсани фикрлаб кўриш ва шундан кейингина ишлаб чиқилган планни амалда рўёбга чиқариш талаб қилинади. Энди Иттифоқ иқтисодиёти каби жуда катта ижтимоий-иқтисодий организм ҳақида ўйлаб кўрайлик — бунда жуда катта куч-ғайрат ва вақтгина эмас, шу билан бирга жуда катта масъулият ҳам талаб қилинади.

(Давоми иккинчи бетда).

ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОН ХАЛҚЛАРИГА

Ана шу машаққатли дамларда биз сизларга, Озарбайжон ва Арманистоннинг гражданларига, сизнинг ақл-идрокингиз ва қалбингизга, сизнинг ўз халқларингиз, кўп миллатли Ватанимиз тақдири учун масъулиятингизга мурожаат қилмоқдамиз.

Бокуда ва Озарбайжоннинг бошқа аҳоли пунктларида, шунингдек, Арманистоннинг бир қанча районларида содир бўлган фожиали воқеалар совет кишиларининг юрак-бағрини ўртаб юборди. Қон тўкилди, бебошлик ва ур-йиқит оқибатида одамлар қурбон бўлди. Қурол-ярог ва ўқ-дорини қўлга киритиш мақсадида ҳарбий объектларга, ички ишлар муассасаларига ҳужум қилинмоқда. Иккала республикада ҳам жангарилар гуруҳлари тузилмоқда. Энг муқаддас нарса — СССР Давлат чегараси бузилмоқда.

Экстремист кучларнинг масъулиятсизлик билан қилаётган жиноятқорона хатти-ҳаракатлари, шафқатсиз зўравонлик ва ваҳшийлик фактлари ҳақли равишда мамлакат аҳлининг қаҳр-ғазабини қўзғамоқда, айбсиз жабрдийдаларга совет кишиларининг раҳми келмоқда. Авж олиб кетган можародан аввало, болалар, аёллар, қариялар жабр кўрмоқдалар, фарзандларингиз ҳалок бўлмоқда, мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг болалари — ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг ходимлари ҳам қурбон бўлмоқдалар. Халқ хўжалигига жуда катта зарар етказилмоқда. Совет халқлари оиласининг маънавий негизи бўлган ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳига ҳам ўрнини қоплаб бўлмайдиган зарар етмоқда.

Бундай давом этиши мумкин эмас! Қандай қилиб бўлса ҳам душманлик, бебошлик ва зўравонлик тўлқинини тўхтатиш лозим. Жазосиз жиноятлар содир этилишига, она-Ватанимизга кулфат ва бахти қаролик уруғлари сепилишига йўл қўйиб бўлмайди. Миллий ҳис-туйғулар билан чайқовчилик қилишга, одамларни кўр-кўрона нафрат ва ақлдан озиш жарига итаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бугунги фожианинг пайи қирқилмаса, эртага у миллий ҳалокатга айланиши мумкин.

Совет кишилари СССР Олий Совети Президиумининг Тоғли Корабоғ автоном областида ва Озарбайжон, шунингдек, Арманистоннинг баъзи бошқа районларида фавқулодда ҳолат эълон қилиш тўғрисидаги Фармонини тушуниб кутиб олдилар. Улар бу Фармонни мажбурий, аммо батамом зарур тадбир деб билмоқдалар, биздан жуда қатъият билан ҳаракат қилишни талаб қилмоқдалар. Мамлакат раҳбарияти барча зарур чоралар кўрилади, деб маълум қилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети сизларнинг ҳаммангизни — озарбайжонлар ва арманларни, эркаклар ва аёлларни, оқсоқол қариялар ва ёшларни ақл-идрок овозига қулоқ солишга, экстремистларни тийиб қўйишга, ифвогарларни фош этишга, зўравонларни тўхтатишга, алданганларни тўғри йўлга солишга чақиради. Биз сизларни мамлакат раҳбарияти, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари, Ички ишлар министрлиги ва Совет Армияси қўшинлари, чегарачиларнинг тинчлик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклаш юзасидан куч-ғайратларини қўллаб-қувватлашга даъват этамиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Дунё овози

ГОРБАЧЕВГА НЬЮ-ЙОРК ШТАТИ ЮРИСТЛАРИ УЮШМАСИНИНГ МУКОФОТИ БЕРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 январь. (ТАСС). Нью-Йорк штати юристлар уюшмасининг халқаро ҳуқуқ соҳасидаги улкан муваффақиятлар учун таъсис этилган анъанавий йиллик мукофоти М. С. Горбачевга берилди.

Уюшманинг раҳбарларидан бири Майкл Мэний Нью-Йоркдаги «Мэрриот маркиз» меҳмонхонасида мукофотни расмий топшириш маросимида сўзга чиқиб қуйидагиларни таъкидлади: Ўтган йиллардан фарқли равишда мукофот лауреатини аниқлаш учун овоз бериб ўтиришга ҳожат қолмади. Чунки М. С. Горбачев номзодини барча якдиллик билан маъқуллади. «1989 йилдаги воқеаларнинг кечишига энг кўп таъсир ўтказган фақат бир киши бўлди, — деди М. Мэний. — Бу — Президент Горбачевдир. Унинг хизматлари туфайли эндликда русча «қайта қуриш» ва «ошкоралик» сўзларини таржима қилиб ўтиришга ҳожат йўқ».

Мукофот СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили А. М. Белоноговга топширилди. Нью-Йорк штати юристларининг уюшмаси ўз сафларига суд, прокуратура ва адвокатура ходимларидан, ҳуқуқ соҳасидаги барча мутахассислардан қарийб 50 минг кишини бирлаштиради.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАБУЛИДА

ЖАКАРТА, 18 январь. (ТАСС). Индонезия президенти Сухарто Индонезия ҳукумати бошлиғининг таклифига биноан бу ерга ташриф буюрган СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимовни бугун қабул қилди.

Совет — Индонезия муносабатларига таллуқли масалаларнинг кенг доираси, шунингдек ўзаро манфаатли бўлган регионал ва халқаро муаммолар юзасидан муфассал фикрлашиб олинди. Президент Сухартонинг ўтган йил куз фаслида СССРга қилган ташрифи вақтида Совет—Индонезия олий учрашувида эришилган ахдлашувларнинг қандай амалга оширилаётганлиги муҳокама қилинди. Москвада имзоланган ҳужжатларни, энг аввало ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги ҳужжатни амалда рўёбга чиқариш учун ҳар иккала томон интилаётганлиги айтилди.

Кунниг иккинчи ярмида иқтисодиёт, молия, саноат ва миллий ривожланишни назорат этиш масалаларини мувофиқлаштирувчи министр Р. Правиро билан учрашув бўлди. Унда Индонезия ҳукуматининг бир қанча министрлари ҳам қатнашдилар. Москвада Совет — Индонезия олий учрашуви чоғида эришилган шартномаларни рўёбга чиқариш борасидаги аниқ тадбирларни, СССР билан Индонезия ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ҳамда савдони ривожлантириш, шунингдек Индонезия билан Ўзбекистон ўртасида бевосита амалий алоқалар ўрнатиш масалаларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Ҳар иккала томон қўшма корхоналар, жумладан қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш корхоналарини тузишдан, шунингдек ўзаро фойдали савдо ҳажмини кўпайтириш учун бир-бирининг экспорт-импорт имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишдан манфаатдор эканлиги айтилди. Индонезия томони Ўзбекистон ССРнинг ўзбек пилла-кашларининг бой тажрибасидан фойдаланиб, ипак қурти боқиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга, шунингдек мутахассислар тайёрлашда техникавий ёрдам бериш ва кўмаклашиш кераклигига катта қизиқиш билдирди. Индонезия билан Ўзбекистон ўртасида янада қалин амалий алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида савдо-саноат палаталари вакиллари делегацияларини айирбошлаш тўғрисида келишиб олинди.

М. И. Иброҳимов Индонезияда бўлишининг биринчи куни охирида республика вице-президенти Судармоно ҳузурига ҳурмат ташрифи билан борди.

Кечқурун президент Сухарто Совет Иттифоқидан келган меҳмон шарафига зиёфат берди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ XXI АСР БЎСАҒАСИДА

Ўрта Осиё минтақасининг энг йирик сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий маркази яқин келажакда қандай бўлиши керак? Бу саволга СССР Давлат архитектура комитети, мамлакат Архитекторлар уюшмаси ҳайъати секретариати ҳамда Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети ҳузуридаги Архитектура давлат комитети коллегиясининг 17 январь куни Тошкентда бўлган сайёр мажлиси қатнашчилари жавоб беришлари керак эди. Тошкент шаҳрини ва Тошкент областини ривожлантиришнинг 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош планининг техникавий-иқтисодий асослари уларнинг муҳокамасига қўйилган эди.

СССР Давлат архитектура комитетининг раиси Е. Г. Розанов учрашувни очар экан, минтақани хўжалик ва маданий жиҳатдан юксалтириш иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш истиқбол планининг асосий вазифаларидан бири эканини таъкидлади. Бу вазифани ҳал этишда Иттифоқдаги бошқа энг катта шаҳарларга нисбатан Тошкент тараққиётининг ўзига хос ижтимоий хусусиятларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бу фикр Тошкент бош плани илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти директори Л. Т. Адамовнинг докладида ҳамда мажлис қатнашчиларининг нутқларида айниқса ёрқин акс этди.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари номутаносиб ривожланаётганлигига, уй-жой қурилиши, инженерлик таъминоти орқада қолаётганлигига алоҳида эътибор берилди. Транспорт, уй-жойлар қурилиши учун ерлар ниҳоятда етишмаётганлиги, Тошкентда юзага келган ташвишли экологик аҳвол муаммолари ўртага қўйилди. Ҳозир амалда бўлган бош планга мувофиқ, экологик жиҳатдан зарарли бўлган 74 та саноат ҳамда коммунал корхоналарни шаҳар ташқарисига кўчириш назарда тутилган эди, бироқ ўн йил ичида атиги бешта корхона шаҳар чеккасига чиқарилди. Бундан ташқари, пойтахтимизда янги заводлар мўлжалланганидан ҳам кўпроқ жойлаштирилмоқда. Ваҳоланки, Тошкент саноат корхоналари қурилиши ва кенгайтирилиши тақиқланган ёки чекланган шаҳарлар қаторига киради. Бундай иншоотларнинг кўпи ҳалигача маҳсулот ишлаб чиқармаяпти, уларни деярли бир вақтнинг ўзида ишга тушириш жуда кўп ишчи кучини талаб қилади. Малакали, ўқимишли кадрларни қаердан олиш керак? Бугунги кунда Тошкент ва Тошкент области корхоналарига 25 минг ходим керак. Холбуки, ҳозир иш билан таъминланмаганлар ҳам оз эмас.

Пойтахт сарҳадларини кенгайтириш айниқса муаммога айланмоқда. Бош планда Тошкент сарҳади 30,5 минг гектар бўлиши кўзда тутилган. Бугунги кунда эса у атиги 26,6 минг гектарга етади. Бу уй-жой қурилиши учун етарли эмаслиги кўриниб турибди. Натижада аянчли ҳол юзага келди: Тошкент мамлакатимиздаги миллион нафар аҳолиси бўлган шаҳарлар орасида уй-жой билан таъминлашда 22-ўринни эгаллайди! Кўп йиллар давомида шаҳар чеккасида якка тартибда уйлар қурилиши тақиқлаб келинди, бунинг оқибатлари ҳалигача қаттиқ сезилмоқда. Пойтахтнинг 450 мингдан кўпроқ киши яшайдиган эски шаҳар қисмида киши бошига 3,5 квадрат метр жой тўғри келади, бу шаҳардаги ўртача кўрсаткичдан икки ярим баравар кам демакдир. Мактаблар, болалар боғчалари, дўконлар, касалхоналар ниҳоятда етишмайди. Шаҳар ҳудудини ободонлаштиришнинг жуда ёмон аҳволда эканлиги унинг ифлосланишига олиб келмоқда.

Шаҳарсозлар 25 йилдан бери аэропортни ва авиаремонт заводини шаҳардан ташқарига кўчириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиб келишмоқда. Мазкур корхоналарнинг шовқин-сурон кўтариладиган ва электр оҳангробоси таъсир этадиган ерларида пойтахтимизнинг ярим миллионга яқин аҳолиси истиқомат қилади. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, деганлари шу бўлса керак.

Бош планда эски шаҳар қурилишларининг ўзига хос қиёфаси сақланиши, уй-жойларни таъмирлаш ва меъморий ёдгорликларни тиклаш кўзда тутилган эди. 1990 йилгача Қоратош, Самарқанд дарбоза, Себзор, Марказ-15 даҳаларида биринчи навбатда тўла-тўкис таъмирланиши лозим бўлган даҳалар белгилаб берилган эди. Бироқ таъмирлаш ишлари ҳалигача бошланганги йўқ.

Шаҳарсозлик ва инвестиция сиёсати номутаносиблиги натижасида Куйбишев кўчасининг қурилиши тугалланмади, юк ташиладиган йўл қурилиши бошланмади. Районлар ўртасида жуда қисқа транспорт алоқасининг йўқлиги натижасида юк машиналари шаҳар марказидан ўтишга мажбур бўлмоқда. Бунда автомобиль транспорти ҳозирги пайтда ҳавога чиқараётган зарарли чиқиндиларнинг ҳиссаси энг юқори даражага кўтарилиб, шаҳар ҳавосини булғатаётган бошқа манбаалар умумий ҳажмига нисбатан 65 фоизни ташкил этади.

Атроф-муҳитни соғломлаштириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг биттаси ҳам бажарилмади. Қуйов цехлари бўлган янги корхоналарни жойлаштириш ва мавжуд корхоналардаги қуйов цехларини кенгайтириш натижасида шаҳар ҳавосини булғатадиган қўшимча кучли манбалар пайдо бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси жиддий ташвиш туғдирмаслиги мумкин эмас.

Тошкент шаҳри ва Тошкент областини 2010 йилгача бўлган даврда ривожлантиришнинг таклиф этилган бош плани техникавий-иқтисодий асосларини умуман мажлис қатнашчилари маъқуллладилар. Унда юзага келган муаммолар ҳамда можароли вазиятларни бартараф этишнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилган. Министрликлар ва идораларнинг раҳбарларига республика ҳамда минтақа комплекслари ва тармоқлари схемаларини ишлаб чиқишни тезлаштириш тавсия этилди. Бу схемаларда Тошкент бош плани, Тошкент областини ривожлантиришнинг стратегияси ва параметрларни белгилаб берилган бўлиши зарур. Ихтисослашмаган муассасалар ва корхоналарни шаҳардан кўчириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш зарурлигига эътибор қаратилди. Тошкент бош плани илмий тадқиқот ва лойиҳа институтига 2010 йилгача бўлган даврда ва истиқболда шаҳарни планлаштириш борасидаги ишларни ташкил этишни батафсил ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. А. Попов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Т. Я. Шарипов, партия ва совет органлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ҚАЙТА ҚУРИШГА БУТУН КУЧ ВА ҒАЙРАТНИ САРФЛАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Шунга қарамай, структурада силжишлар бошланди. Бу силжишлар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган тармоқлар фойдасига, энг аввало енгил, озиқ-овқат саноати ва аграр комплекс фойдасига олиб борилмоқда. Ҳозирча биз бу силжишнинг юз беришидан, айтиш мумкинки, мана шу томонга бурилиш қай даражада бораётганидан қаноатланмаётирмиз.

Мазкур вазифаларни ҳал қилишга ҳозир машинасозлик тармоқлари, мудофаа сектори, фанимиз жалб қилинмоқда. Товарлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни кўпайтириб бораётган корхоналар учун иқтисодий рағбатлар қадамбақадам кучайиб бормоқда. Ҳозир миллий даромад ресурсларининг истеъмол ва ноишлаб чиқариш қурилиши мақсадларига фойдаланилаётган улуши, ўртоқлар, 83 фоизга етди. Шу беш йиллик арафасида бу рақам 80 фоиз атрофида эди.

Беш йилликнинг ўтган йилларида кўпроқ маблағлар уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилишига сарфланди.

Уларнинг ўртача ҳажми учдан бир ҳиссадан кўпроқ ошди. Ўртоқлар, бу нимани англатади? Сиз билан биз учун, ҳаётимиз учун нима берди?

Уй-жой қурилишининг ўртача йиллик ҳажмлари 16 фоиз ошди ва тўрт йил мобайнида белгиланган топшириқдан ташқари 11,3 миллион квадрат метр уй-жой қурилди. Бу эса қўшимча суръатда салкам икки юз минг янги квартирадир. Тўрт йил ичида мактаблар, поликлиникалар ва клублар олдинги беш йилдагидан кўпроқ ишга туширилди, яъни биз тўрт йилда айтиш мумкинки, бир йилни ютдик. Шу билан бирга қишлоқда уй-жойларни фойдаланишга топшириш бир йилда ўртача 19 фоиз, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, клублар, маданият уйларини фойдаланишга топшириш — 26-59 фоиз, поликлиникаларни фойдаланишга топшириш икки баравар ўсди.

Ҳозир коллектив боғларда ўз ерига эга бўлган оилалар сони — бу соҳада, айтиш мумкинки, шов-шув жуда катта, — аслида икки баравар кўпайди! Аҳолига қурилиш материаллари сотиш ҳам шу йиллар мобайнида тахминан икки баравар ошди. Лекин сиз: барибир цемент ҳам, ғишт ҳам, айниқса ёғоч-тахта материалларини ҳам сотиб олиш қийин дейишингиз мумкин.

Мана шу ўзгаришларни қайд этар эканмиз, уларни яна ҳам ошириб боришни, инсоннинг кундалик ҳаётига бевосита даҳлдор бўлган жуда муҳим йўналишларни давом эттиришни ўйлашимиз керак. Кўп йиллар мобайнида биринчи марта ўлароқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи саноатнинг ўсишидан ўзиб кета бошлади. Бу умуман бизнинг иқтисодиётимиз учун жуда муҳимдир. Чунки у мутлақо бошқа йўналишга қаратилган эди. Шунинг натижаси ўлароқ 1988 йилда чакана товар оборoти ҳажми 25 миллиард сўмга, ўтган йили эса яна 37 миллиард сўмга кўпайди. Илгари бу рақамлар 8-10 жуда кўп деганда 15 миллиард сўмдан ошмас эди.

Совет оилаларида узоқ вақт фойдаланиладиган маданий-маиший буюмлар кўпайди: рангли телевизорлар 1,7 баравар, магнитофонлар 30 фоиз ошди. Енгил автомобиллар, холодильниклар ва шу кабилар кўпайди. Мен бу рақамларни яна шунинг учун ҳам келтиряпман. «Натура ҳолида» санаб кўрсатяпманки, ҳозир мана шундай бир фикр бор (буни иқтисодчиларимиз айтиб беришган): ўсишни процент ҳисобида, яна бунинг устига пул ўлчовида кўрсатиб, нима қиласиз. Буларнинг ҳаммаси нарх-навонинг ўсиши ҳисобига юз бермоқда. Мен натурал кўрсаткичларни ҳам шунинг учун келтиряпманки, бу ўз-ўзидан кўриниб турган нарса. Озиқ-овқат товарларига тегишли бўлган кўрсаткичларни — натурал кўрсаткичларни! — айтиб ўтмоқчиман.

1985 йилда давлат ресурслари хом ашёсидан 9,6 миллион тонна гўшт етиштирилган эди. 1989 йилда 11,4 миллион тонна, яъни 1,8 миллион тонна кўп гўшт етиштирилди. Чорва мол эмас, балки гўшт етиштирилди. Шунга мувофиқ ҳолда мол ёғи 1,5 миллион тонна, ўтган йили эса 1 миллион 700 минг тонна етиштирилди. Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари тегишли суратда 29,5 ва 33,8 миллион тонна, қанд лавлагидан олинган шакар 7,6 ва 8,8 миллион тонна, ўсимлик мойи 2,4 ва 3 миллион тонна етиштирилди. Буларнинг барчаси ҳатто аҳолиннг кўпайишини ҳисобга олганда ҳам мамлакатда аҳоли жон бошига истеъмол қилишни бирмунча кўпайтириш имконини берди. Бу гаплар енгил саноат маҳсулотларининг кўпгина турларига ҳам тааллуқлидир.

Сизда аллақачон савол туғилган бўлса керак. Биламан, сиз ана шу саволлар билан келгансиз. Худди шунга ўхшаб биз ҳам ана шу саволни ўзимизга берямиз, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий кескинлик нима билан боғлиқлигини тушуниб олишга уринямиз. Келинглар, ушбу кенгашда эътиборни барча имкониятларни ишга солишга ва қилишимиз керак бўлган ишга биргаликда ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратайлик.

Хуллас, нима сабабдан бу «натура» дўконларнинг пештахталарида сезилмаётир, деган савол туғилади. Ҳаммамизни қизиқтириб турган умумий савол ҳам ана шундан иборат. Нима сабабдан тақчиллик қисқариш ўрнига кўпайиб бормоқда? Нима сабабдан нормал савдо ўрнини борган сари кўпроқ талонлар бўйича сотиш, муассасаларда, корхоналарда буюртмалар бўйича сотиш усули олмоқда?

Биз мана шундай аҳволнинг сабабларини таҳлил қилиш билан бандмиз. Тўғри, объектив қийинчиликлар бор, улар товарларни кўпайтириб бориш соҳасидаги имкониятларимизни қамайтирди. Товарлар биз ишлаб чиқараётгандан кўра кўпроқ керак, ишлаб чиқаришни ошириб бориш зарур.

Нефтнинг баҳоси ўзгарганлиги, табиий офатлар ва шу кабилар туфайли зарар кўрдик. Лекин гап фақат шунинг ўзида эмас. Бизни саноатнинг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги иши қаноатлантирмайди, албатта. Бу энг муҳими. Аграр сектордаги натижалар ҳам қаноатлантирмаётир. Ўйлайманки, бу ҳақда бугун ва эртага гаплашиб оламиз. Ҳозир ҳаммамиз, ҳамма ерда, ҳар жойда кечиктирмасдан қилишимиз керак бўлган ишни аниқлаб олиш муҳимдир. Айниқса, озиқ-овқат таъминоти соҳасида биз мана бундай вазиятга дуч келаётганимизни ҳисобга олишимиз керак — Россия федерациясининг 32 областида шу йиллар мобайнида аҳвол хусусан чорвачилик тармоқларини мувафақиятли ривожлантириш ҳисобига жиддий суръатда яхшиланди. Ҳатто ўтмишда аҳвол жуда оғир бўлган областлар ҳам ҳозир бозордаги вазиятни бирмунча ўзгартардилар. Бутун Қора тупроқ зонани олайлик — бу ерда анча интенсив олиб борилган иш таъминот соҳасидаги вазиятнинг яхшиланишига олиб келди. Эҳтимол, ўртоқлар буни тасдиқлашар. Ёки Рязанни, бу ҳақда жуда кўп ўтаётган гаплар айтилган Қоратупроқ зонасидаги Тамбовни олайлик. Ҳозир у ерда ҳамма имкониятлардан: фақат колхоз ва совхозлардан эмас, шу билан бирга уй хўжалиги, кооператив савдодан ҳам фойдаланилмоқда. Агар истеъмол бозоридаги ҳозирги вазият ҳақида гапирадиган бўлсак, бу вазият асосан шу билан изоҳланадики, бизда кейнги икки йил мобайнида товарлар ишлаб чиқаришнинг суръатлари паст бўлгани ҳолда пул даромадлари ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Мана гап нимада. Нималар юз бераётганига бир қаранг. 1989 йил. Иш ҳақи фондининг ўсиш суръатлари миллий даромаднинг ўсиш суръатларидан 5,4 баравар, товарлар сотиш ва пулли хизматлар кўрсатишнинг ўсиш суръатлари 1,4 баравар ортиқ бўлди! Товарлар ишлаб чиқариш мисли кўрилмаган даражада — 10 фоиз, хизмат кўрсатиш эса ундан ҳам кўпроқ ўсган бир пайтда ана шундай аҳвол юз берди. Бунақаси кўпдан бери бўлмаган эди. Шунга қарамай, тафовут жуда катта, фарқ қисқариш ўрнига катталашиб бормоқда. Биз иш ҳақининг ўсишини тўхтатиш керак деган тарзда масала қўя оламизми? Тўхтата оламизми, тўсиқ қўя оламизми? Масалани бундай қўйиш, ўйлашимча қайта қуриш нуқтаи назаридан, социалистик социал сиёсатимиз нуқтаи назаридан тўғри келмайди. Лекин бир нарса тўғри келади ва уни қаттиқ туриб амалга ошириш керак — у ҳам бўлса реал натижалар учун ҳақ тўлаш керак. Пировард маҳсулот учун ҳақ тўлаш керак. Мадомики, товарлар ва хизматлар иш ҳақига қараганда мутлақо бошқача суръатлар билан ўсиб бораётган экан, демак биз пировард маҳсулот учун ҳақ тўламаётирмиз. Шундай қилиб, афтидан, корхоналарнинг мустақиллиги ва фондларни тасарруф қилиш пулларнинг энг аввало иш ҳақига сарфланишига томон бориб юборилмоқда. Бу гап билан мен сизлар ҳам бунга ўз муносабатингизни билдиришингиз, баҳо беришингиз учун фикр айтяпман холос.

Пул даромадлари 1989 йилда 13 фоиз кўпайди. Шунинг учун ҳам истеъмол бозоридаги аҳволни соғломлаштиришга, молияни ва бутун иқтисодиётни соғломлаштиришга қаратилган зарур чоралар программаси керак бўлиб қолди. Бу программани ҳукумат ишлаб чиқди ва халқ депутатлари иккинчи съездида кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун тақдим этди. Унинг қандай қизғин муҳокама қилингани, съездда унга баҳо беришда фикрлар бирбиридан кескин фарқ қилгани эсингизда. Шунга қарамай программа қараб чиқилди, депутатларнинг фикрлари билан тўлдирилди, бойитилди ва маъқулланди. Умид қиламанки, сиз ҳам бу масала юзасидан ўз фикрингизни билдирасиз ва энг аввало программа қоғозда қолиб кетмаслиги учун нималар қилишимиз керакligи, нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида ўз мулоҳазаларингизни айтасиз.

Истеъмол бозоридаги вазият ва умуман бутун ижтимоий-иқтисодий вазият қайси йўналишдан ривожланиб бориши, бизда ислоҳот бундан буён қандай бориши ҳам бу йил ишларимиз юришиб кетишига, бу йил учун қўйилган вазифаларни қандай уддалай олишимизга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бу йил биз мулкчилик, ер, солиқлар тўғрисида, корхоналар ва ўзини-ўзи бошқариш ҳақидаги ғоят муҳим қонунларни қабул қилишимиз керак. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ислоҳотга кучли туртки бериши зарур бўлган қонунлардир. Ана шу маънода буларни мулоҳаза юритиш учун қабул қилишингизни сўрайман.

Барча меҳнат коллективларидаги, марказда ҳам, жойларда ҳам, барча бошқарув ва ҳокимият органларидаги ҳамма ишларимиз халқнинг ҳаёти учун, қайта қуришнинг тақдири учун жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йил қиладиган ишимизнинг баҳоси ана шундай.

Биз иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар очиб бераётган имкониятлардан қай тарзда тезроқ фойдаланиш ҳақида фикр аламашишимиз керак. Ўтган йили саноатда маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари 1,7 фоиз бўлгани ҳолда, ижарачи коллективларда бу ўсиш 5,8 фоизни ташкил этганлигини эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ислоҳот мавзуси эҳтимол, бизнинг марказий мавзумиз бўлар.

Қишлоқ хўжалигида ҳам аҳвол шундай. Ресурслар бир хил бўлгани ҳолда ижарачиларда маҳсулот етиштириш ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари бир ярим баравар юқори бўлди. Лекин ижарачи коллективлар кам. Аслида гап фақат ижарага боғлиқ эмас. Бошқа шакллар: кенг кўламдаги хўжалик ҳисобига асосланган, шахсий ва коллектив манфаатдорликнинг қудратли рағбатлари билан боғлиқ бўлган пудрат шакллари ҳам бор. Бу ҳам тахминан ана шундай натижалар бермоқда. Шундай қилиб, бизнинг тажрибамиз ишни қандай олиб бориш кераклигини, ислоҳотни қайси йўналишда олға силжитиш кераклигини кўрсатиб бермоқда. Хўжалик юритишнинг янги шаклларини, инсоннинг масъулиятини ва унинг ролини рағбатлантиришнинг янги системаларини ўзлаштириб олиш зарур. Бироқ саноатда ҳам, аграр секторда ҳам хўжалик юритишнинг янги шакллари асосида ишлаётган коллективлар улуши ҳозирча жуда кам.

Сизнинг фикрингизча, хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтишни тезлаштириш учун нималар қилиниши керак? Умид қиламизки, сиз бу ҳақда айтасиз. Чуқур иқтисодий ислоҳот, ташаббусни ривожлантириш йўлидаги ҳамма тўсиқларни олиб ташлаш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлашиб олайлик. Хўжалик ҳисоби принциплари ҳали тўла-тўкис ишга солинмаган ҳозирги босқичдаёқ хўжасизлигимиз, исрофгарчилик, меҳнат ва давлат интизомини бузиш туфайли биз кўраётган зарарларни анча қисқартириш учун кўрилиши керак бўлган чоралар ҳақида ҳам фикр алмашиб олишимиз лозим.

Умуман бизнинг олдимизда фақат иқтисодиётдагина эмас, шу билан бирга умуман жамиятимизда, мамлакатимизда тартибни анча яхшилаш вазифаси турибди. Бу соҳа бизда катта ташвиш туғдирмоқда. Одамлар очиқдан-очиқ айтишяпти. Бу нима — қайта қуриш тартибсизликлар ва бошбошдоқликнинг кучайиши билан бирга юз берадими? Ёки биз бирор ишни нотўғри қиляпмизми ва бу билан жамиятдаги ҳаётни мураккаблаштиряпмизми, умуман бизга керакли бўлган, биз биладиган, ишонч ҳосил қилган сиёсатни шубҳа остига қўйяпмизми? Умид қиламанки, шу кунларда биз меҳнат коллективларининг ўзларида нималар қилиш кераклиги, областлар ва республикалар даражасида нималар қилиш кераклиги, марказ эса нима қилиши кераклиги ҳақида гапирамиз. Чунки марказда, жойларда ёмон ҳаракат қилишяпти, дейишар экан, ўйлашимча, бу ҳақиқатдан йироқдир, ўртоқлар. Жойларда эса марказ нимани ўйлаяпти, ҳукумат қани дейишдан нарига ўтишмаётган экан — бу ҳам ҳали ҳақиқат эмас. Шаҳар тоза бўлиши учун, шаҳар транспорти ишлаши учун ҳукумат аъзолари, раис келиб, тартиб ўрнатса, агар конкрет шаҳарга ва районга бориш ҳамда у ерда ҳамма ишларни ташкил этиш керак бўладиган бўлса, қандай ислоҳот ҳақида, қандай мустақиллик ва ўзини-ўзи бошқариш ҳақида гап бўлиши мумкин?

Эҳтимол, биз ҳар қандай масалада марказга мурожаат қилишга ўрганиб қолгандирмиз. Юқоридан тайёр қарорлар беринг — гап тамом, вассалом. Йўқ бундай вақтлар ўтиб кетди. Чунки худди ана шундай ёндашувлар туфайли қай аҳволга тушиб қолганимиз маълум. Марказ қандай ҳаракат қилишига жуда кўп нарсалар боғлиқ албатта. Агар эски йўриқномалар бўлса, эски қонунлар ҳар бир коллективни, меҳнаткаш инсонни қўл-оёғини боғлаб ташласа, иш юришмайди. Ана шулар бўлмаслиги учун марказ боши билан жавобгардир.

Лекин ундан нарида республика, районлар, шаҳарлар, меҳнат коллективлари ҳаракат қилиши, кадрлар ҳаракат қилиши керак. Нега бировларда тўрт йил ичида, кўпгина муҳим қарорлар қабул қилишдан анча олдиноқ туб ўзгаришлар юз берди, бошқаларда эса гўё атайлаб саботаж қилинаётганидек айтайлик, «от ҳали аравага қўшилгани ҳам йўқ». Одамлар буни кўриб, қаердадир шов-шув қилишяпти, қайта қуриш ҳақида мулоҳаза юритишяпти, қаердадир нималардир бўляпти, бизда эса ҳеч гап йўқ демоқдалар. Ўртоқлар, бугун ана шуларнинг ҳаммасини ўйлаб кўришимиз керак. Шунчаки, «балогардонни» изламайлик — буни биз биламиз, бу соҳада катта мутахассислармиз. Бунинг ўрнига ҳаммамиз бир бўлиб, меҳнатни тақсимлаб олиб, жамиятимизнинг жуда катта ва мураккаб организмини бошқаришнинг ҳар бир бўғинида бошқача қадамлар билан олға бориш учун нималар қилишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб кўрайлик. Зиҳор бир жойда депсиниб турмайлик — бундан буён биз бу аҳволда қола олмаймиз.

Ресурслар ҳажми бизга маълум, ҳеч ким бошқа ҳеч нарса бермайди. Бироқ ихтиёримиздаги ресурслар жуда катта. Лекин биз уларни шу пайтгача қандай сарфлаб келган бўлсак, бундан буён ҳам шундай сарфлай олмаймиз. Бизда ва ривожланган капиталистик мамлакатларда миллий даромад бирлигига ресурслар сарфлашни оладиган бўлсак, унинг фарқи бизнинг фойдамизга эмас. Биз миллий даромад бирлигига уларга қараганда энергияни ҳам, моддий ресурсларни ҳам тахминан 25 фоиз, цементни эса менимча, 2 баравар кўп сарфлаймиз. Бизнинг ресурсларимиз мана шундадир. Шундай экан, келинг технология ҳақида, тартиб, хўжаликни юритиш ҳақида, тежаб-тергаш ҳақида ўйлайлик. Бизнинг кенг имкониятларимиз, бойлигимиз, айтиш мумкинки, бизни таltайтириб юборди ва биз бундан ҳеч қутила олмаётирмиз, бу бутун иқтисодиётимиз, барча ишларимиз бошига битган балодир. Шу сабабли ишни тезроқ ҳар бир корхонада тўла хўжалик ҳисобигача олиб бориш керак, токи ҳамма ресурслардан қандай фойдаланаётганига мувофиқ яшасин: яхши фойдаланяптми, катта фойда олсин, ёмон фойдаланса «куйиб қолсин». Ҳатто синиш даражасигача борсин. Бу ҳам барчага фикрлаш учун бир белги бўлсин. Ишга муносабатни ўзгартириш керак.

Очиқдан-очиқ айтаман: иқтисодий ислоҳотга киришиб, мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилишни бошлаб, хўжалик юритишнинг янги шаклларини излаб, биз маълум даражада қайта қуришнинг бошларида диққат марказига қўйган нарсани — фан-техника тараққиётига, янги технологияларни ўзлаштиришга эътиборни бўшаштирдик. Бусиз эса иш юришмайди. Бу ягона жараённинг икки жиҳатидир. Ҳар иккаласи ҳам диққат марказида туриши керак.

Умуман, ўртоқлар, ҳозир асосий куч-ғайрат ишчанликка қаратилмоғи керак. Ҳамма ерда кўпроқ ақлидрок ишлатиб, ишни яхшироқ ташкил этиб, янада самаралироқ ҳаракат қилиш керак. Бизга ҳозир муштарак куч-ғайрат сарфлаш — ажралиш ва муҳолифлик эмас, балки жамиятни жипслаштириш, куч-ғайратларни ҳозирги масъулиятли йилда албатта ҳал қилишимиз керак бўлган аниқ вазифаларга қаратишимиз ҳар қачонгидан ҳам зарурроқдир.

Ўз кириш нутқимда мен атайлаб, эътиборни жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазият билан боғлиқ бўлган масалаларга қаратмоқдаман. Бу — ишимизнинг марказий нуқтасидир. Чунки, ишлаб чиқариш соҳасидаги ишлар бевосита одамларнинг турмуш шароитига, уларнинг ҳолати ва кайфиятига бориб тақалади. Бироқ мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятда ҳам одамларимиз мамлакатда юз бераётган барча ҳодисаларга тобора зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. Улар демократиялаш ва ошкоралик жараёнларини ҳам: социализмнинг яшаши учун ғоят муҳим бўлган мана шу жараёнда нималар фойдали, нималар эса зарарли эканлигини ипидан-игнасигача билиб олишни истайдилар.

Янгиланган Советларнинг роли қандай бўлмоғи керак ва меҳнаткашлар уларнинг фаолиятида қандай иштирок этадилар? Мамлакатда чуқур сиёсий ўзгаришлар юз бераётган шароитда КПСС қандай бўлиши керак? Совет федерациясига янгича ҳаёт бахш этиш учун нималар қилиш керак? Мана шуларни ҳам ҳал қилиш зарур, чунки фақат федерацияни ўзгартириш, унинг имкониятларини очиб бериш йўлидан боргандагина барча миллат кишиларининг, ҳамма халқларнинг умид ва орзуларини оқлаган бўламиз.

Бошқа йўл йўқ. Кўриб турибсиз, кўпгина жараёнлар қийин кечмоқда, чунки неча ўн йиллар, баъзи жойларда эса ҳатто юз йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар қалқиб чиқди. Улар биз Болтиқбўйида, Молдавияда дуч келган ҳолатни ҳам касб этди. Шунинг ўзигина эмас, қаранг, миллатлараро низолар Закавказьеда, Озарбайжонда, Арманистонда қандай фожиали шаклларда кечмоқда. Буларнинг ҳаммаси бизни жуда қаттиқ ташвишлантирмоқда. Қон тўкишни тўхтатиш учун энг қатъий чораларни кўрмоқдамиз. Экстремизм, ваҳшийликка қарши куч ишлатишга ҳам мажбур бўлдик.

Бироқ баъзан биз миллатлараро муносабатлардаги кескинликни сўндириш ва пасайтириш учун кўришга мажбур бўлаётган чораларга қарамай, асосий йўналиш — совет федерациясини ривожлантириш йўли ўзгармай қолмоқда. Биз одамларнинг миллий ва социал кайфиятини худди ана шу йўлдан бориб яхшилашимиз зарур.

Бизнинг ҳаётимизга беқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг, интизом ва тартибнинг бўшашиши кириб келганлигини одамлар кўриб туришибди. Бинобарин улар бу ҳодисаларнинг сабабларини билишни, жамиятда бутун вазиятни яхшиланиш томонга қатъиян ўзгартириш учун нималар қилиниши кераклигини тушуниб олишни истайдилар. Кўп нарсалар бизнинг эски, буйруқбозлик шаклларидан воз кечаётганлигимиз, сиёсий ва иқтисодий усулларга асосланган янги шаклларга ўтаётганлигимиз билан изоҳланади, албатта. Уларнинг биридан воз кечдик, янгисини эса чинакамига ҳали ишга солганимиз йўқ. Ўтиш даври қийинчилик билан кечмоқда, буни тушунишимиз керак.

Биз амалда нима қилишимиз мумкин? Жамият ҳозирнинг ўзидаёқ барқарорлаша бошлаши, янгича ёндашувларни, ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг янги усулларини қўллаш асосида барқарорлик касб этиши учун мана шу ўтиш даврини мумкин қадар камайтириш, қисқартириш керак.

Партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, Олий Совет, Совет ҳукуматининг фаолияти ҳам бошқаришнинг барқарорлиги масалалари нуқтаи назаридан баҳоланмоқда. Биз танқидий фикрларни ҳам эшитмоқдамиз. Бундай фикрлар бу ерда, учрашувимизда ҳам айтилса керак. Агар бу жараён жамият тезликни яхши ошириши, тезроқ илгарилаб бориши, қайта қуришни амалга ошириши ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратилган бўлса, буларнинг барчаси нормалдир. Шу билан бирга, ўртоқлар, гап чуқур таҳлил қилишни, зўр масъулиятни талаб қиладиган катта масалалар ҳақида бормоқда. Мен бундан аввал ҳам бир неча бор айтганман, ҳозир ҳам сизнинг олдингизда айтмоқчиманки, ҳар қандай масалаларни ва ҳар қандай таклифларни муҳокама қилиш учун партия Марказий Комитетининг ҳам, Олий Советнинг ҳам эшиклари очиқ. Айниқса амалий таклифлар учун эшигимиз очиқ.

Ўйлайманки, биз шунга қарамай, умуман олганда халқит беришни, вазиятни беқарорлаштириш, жамиятга нифоқ солиш, янги идоралар фаолиятини қийинлаштириш мақсадини кўзлайдиган енгил-елпи, шошқалоқлик билан қилинган мулоҳазалар ва хулосаларга қатъий зарба беришимиз керак. Буни ҳам кўриш ва эътиборсиз қолдирмаслик зарур.

Албатта, бошлиқларни ҳам танқид қилиш мумкин — бу ҳозир ҳаммага аён, бу ҳозир нормал ҳол бўлиб қолди, бундай жараён юз бермоқда. Лекин бу танқид амалий бўлмоғи керак, кўпинча юз бераётганидек, сафсатабозлик бўлмаслиги керак.

Пухта ўйлаб гапириш керак. Баъзи бировлар жамиятга, меҳнаткашларга оддий ечимлар, йўл-йўриқларни кўрсатишмоқда. Худди Кашпировскийнинг сеансларидаги каби: бир, икки — жамият соғлом. Бу — ҳурматсизликдир, ҳали етарли бўлмаган сиёсий маданиятдан, энг муҳими эса ҳозирги қийинчиликлардан фойдаланиб қолишга уринишдир. Ҳақиқатан ҳам, ҳаёт жуда мураккаблашиб кетди, ҳеч нарса етишмайди, одамлар эса бундай вазиятдан тезроқ қутилишни исташади. Ким буни истамайди дейсиз? Раҳбарларми? Эҳтимол улар ўзлари қилаётган ишлар тезроқ натижа беришини ҳаммадан кўра кўпроқ исташар. Биз ҳаммамиз шуни истаймиз. Лекин жўн ечимлар бўлмайди. Ҳамма масалаларни бир зарб билан, бир ой, бир йил давомида ҳал қилиш мумкин деган хом хаёлдан воз кечиш керак. Йўқ, бундай бўлмайди. Бир-икки йилда ҳал қилиш мумкин ва ҳал қилиш керак бўлган масалалар бор. Бундай масалалар мавжуд. Лекин жамиятни мутлақо янгилаш — чуқур жараёндир, у пухта олиб борилмоғи керак.

Кейинги вақтларда биз умуман янги идораларнинг янги шароитларда амал қилиши масалалари устида ўйлаяпмиз. Марказий Комитетда ҳам фикрлаяпмиз, бу масалалар депутатлар ўртасида фаол муҳокама қилинмоқда. Олий ҳокимиятнинг янги органларини тузган ва уларнинг вазифаларини белгилаган вақтда биз аввалига марказда самарали механизм барпо этиш вазифасини тўла-тўкис ҳал қилишга муваффақ бўлмадик, деган фикрга борган сари кўпроқ келмоқдамиз. Буни эътироф этиш керак. Биз буни кўриб турибмиз, биз ҳали марказда қайта қуриш сиёсати мақсадларини рўёбга чиқаришнинг самарали механизмини яратганимиз йўқ. Бу бизни ташвишлантириши керак, биз буни англаб олишимиз лозим, бинобарин, кириш нутқига тайёрланар эканман, бу ҳақда ҳам сизга айтишга ва сиз билан маслаҳатлашишга қарор қилдим. Ўйлайманки, орқага сурмасдан биз бу масалани биргаликда ўйлаб кўришимиз ва келишиб туриб, унга жавоб топишимиз керак. Бу мураккаб масалани ҳаётнинг ўзи қўйди. Шубҳасиз, бизга самарали ҳаракат қилишга, қайта қуришни ҳимоя қилишга ва қатъият билан олға силжитишга, барча халқларнинг манфаатлари йўлида жамиятни янгилашнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган демократик олий ҳокимият зарур.

Мен сизларга, айтайлик, «баҳона топиб бериш» учун айтмоқчи бўлган баъзи мулоҳазаларим ана шулардан иборат. Ўйлайманки, бизнинг суҳбатимиз мана шу фикрлар, мулоҳазалар доирасида давом этади. Кенгашни очиқ деб эълон қиламан. **(Қарсаклар).**

* * *

Мамлакатнинг ишчилар синфи бугунги учрашувни кўпдан бери кутмоқда эди, деди Москвадаги «Красний пролетарий» станоксозлик заводининг силлиқловчиси **Н. В. Николаев.** Кўпгина меҳнат коллективларида ишчилар синфини жамиятни қайта қуриш учун жуда муҳим қарорларни қабул қилишдан четлатиримоқдалар, деган таассурот вужудга келмоқда, деди у. Бунга маълум даражада меҳнаткаш инсонни иккинчи ўринга суриб қўяётган оммавий ахборот воситаларининг тутаётган йўли ҳам сабаб бўлмоқда.

Шундан сўнг ишчи халқ хўжалигида план интизоми сезиларли даражада пасайиб бораётганлиги хусусида ўз ташвишларини сўзлаб берди. У ўртоқлари билан топшириқни уддалаш учун бир ярим—икки сменалаб меҳнат қилишга, дам олиш кунларини ҳам «қурбон қилишга» мажбур бўлмоқда. «Нима қилиб бўлса ҳам» планни бажариш ишлаб чиқарувчиларга маъқул эмас.

Станоксознинг фикрича, иқтисодий ислоҳот меҳнатга ҳақ тўлаш системасини беқарор қилиб қўймоқда. Малакали ишлаб чиқарувчиларнинг кооперативларга ўтиб кетаётганлиги ташвиш туғдирмоқда. Турли илмий тадқиқот институтларида иш ҳақи ҳаддан ташқари сезиларли ўсиб бормоқда. Давлат секторига қарашли корхоналар ҳаммадан кўра қийин аҳволга тушиб қолмоқда.

Мана шундай мураккаб шароитда вазиятни тез яхшилаш ҳақида ваъдалар бериш керак эмас. Бошқа нарса керак — одамлардан яна сабр-тоқатли бўлишни сўраш керак, фақат сўраш керак. Лекин бу илтимослар таъсир қилиши учун одамларнинг яшашига ҳалақит бераётган анархия, назоратсизлик, пулга сотилиш, пинҳона иқтисодиёт ва бошқа шу каби кўпгина ҳодисаларга қарши курашмоқ зарур. Мана шу салбий ҳодисаларнинг ҳаммасига қарши қатъиян, муросасиз кураш олиб бориш керакки, буни партия ташкил этмоғи зарур.

Пировардида партия ва давлатнинг раҳбарлари билан шунга ўхшаш учрашувлар бевосита меҳнат коллективларида ўтказилсин, деган истак билдирилди. Ишчи М. С. Горбачевни «Красний пролетарий»га боришга таклиф қилди. Михаил Сергеевич таклиф учун миннатдорчилик билдирди.

Житомирдаги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги номли зиғир толасини қайта ишлаш комбинати тўқувчиси **В. С. Венгловская** ўзидан олдин сўзлаган нотиқнинг фикрини қўллаб-қувватлаб, оддий меҳнаткашлар билан мана шундай учрашувлар ўтказиб туриш зарурлигини таъкидлади. Бундай учрашувлар КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюросига ҳам озиқ беради, қуйи қатламларнинг фикрини билиш имконини берадиган ўзига хос жавоб алоқаси бўлади.

Тўқувчи ўз корхонаси мисолида хўжалик механизмини қайта қуриш амалда ишлаб чиқаришга етиб бормаганлигини кўрсатиб берди. Ҳали ҳам тармоқ министрлиги барча ишларга қўмондонлик қилмоқда. Олинган бир сўм фойдадан коллективда 20 тийиндан сал кўпроғи қолмоқда, холос. Аҳвол шундай бўлгач, ижтимоий ва бошқа масалаларни ҳал қилиб бўладими? Комбинат тўхтаб қолай деб турибди — хом ашё етишмаётир.

Нотиқ коммунист сифатида партияда вужудга келган вазиятдан ташвишланаётганлигини айтди. Унинг фикрича, КПССга қилинаётган хуружлар марказнинг изчил йўл тутмаётганлигидангина эмас, шу билан бирга қуйи ташкилотларнинг сусткашлигидан ҳам келиб чиқмоқда. Ҳозир, сайловолди кампанияси вақтида XIX партия конференциясига тайёргарлик жараёнида юз берганга ўхшаш аҳвол, кўпгина масалаларга коммунистлар шу пайтга қадар жавоб ололмаганлиги каби ҳолат такрорланмаслиги учун чоралар кўриш керак.

Украина ишчилар синфининг вакиласи Чернобиль атом электр станцияси билан боғлиқ муаммолар хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Авария юз берганидан кейин анча вақт ўтди, лекин кўпгина масалалар кескинлигича қолиб кетмоқда. Бу масалаларни ярим-ёрти чоратадбирлар билан ҳал қилиб бўлмайди. Зарар кўрган территориядаги одамлар ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма томонларини назарда тутадиган комплекс давлат программаси зарур.

Қайта қуришнинг асосий сиймоси — оддий меҳнаткашдир. Чимкент областидаги «Шаульдерский» совхозининг ижарачи чўпони **С. К. Есмурзаев** ўз фикрини ана шу сўзлар билан бошлаб, уларни нутқининг охирида ҳам такрорлади. У Қозоғистон чўлларидаги қийин шароитларда ишлаш тажрибаси билан ўртоқлашди. Бундан бир неча йил аввал унумсиз ётган ерларда оилавий коллектив меҳнат билан ҳозир чинакам воҳа бунёд этилди. Бригада қўйчилик билан шуғулланибгина қолмасдан, айни вақтда озуқа ва полиз экинлари ҳам етиштирмоқда. Чорвадорларнинг тўла мустақиллиги ижара пудратини қўллашга боғлиқдир.

Улар ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг мана шу шаклидан фойдаланаётганларига бор йўғи бир йил бўлди. Бироқ ютуқлар яққол кўринниб турибди. Нотиқ, хусусан, қуйидаги рақамларни келтирди: фойда 87 минг сўмни ташкил этди, шундан 22 минг сўми ижара тўловларига, 35 минг сўми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланди, қолгани эса коллективнинг соф даромадидир. Бундан хўжалик фойда кўрди, ишчи ҳам фойдаланди. Лекин ижарани ривожлантиришда ҳали имкониятлар оз эмас. Қишлоқ меҳнаткаши маҳсулотнинг харид нархлари билан ишлаб чиқариш воситаларига қилинадиган харажатларни мутаносиб ҳолда келтиришни, пухта ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини яратишни, ижарачиларни ихчам техника билан таъминлашни мана шундай имкониятлар жумласига киритди.

Аграрчи-иқтисодчилар хўжалик юритишнинг қандай усулларини афзал кўриш тўғрисида баҳслашгуларича юзлаб ижарачи коллективлар қишлоқда ишни ташкил этишнинг турли шакллари самарали эканини амалда исботлаб бермоқдалар. Могилев областидаги «Завети Ильича» колхозининг механизатори **А. И. Галонов**нинг нутқидаги асосий фикр ана шундан иборат бўлди. У ўзининг ижара коллективи олиб бораётган ишни мисол қил

ҚАЙТА ҚУРИШГА БУТУН КУЧ ВА ҒАЙРАТНИ САРФЛАЙЛИК

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Ленинграддаги «Ижорский завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси **В. Г. Иванов** шаҳардаги ижтимоий сиёсий ва социал вазиятни ўта кескин, деб баҳолади. Нарх-наво ўсиб бормоқда, кўпгина саноат товарлари йўқ, озиқ-овқат етишмайди. Бу муаммо бир неча йилдан бери мавжуд. Ҳозир яна ҳам кескинлашди. Болтиқбўйи республикалари алоқани узиб қўя бошладилар. Бизга 40 минг тонна гўштни етказиб бермоқчирлар. Биринчи кварталда 15 минг тонна гўшт етказиб беришлари керак эди, Литванинг ўзи минг тонна гўшт етказиб беришга рози бўлди. Ленинград билан қўшни областларда ҳам аҳвол шундай. Буларнинг барчаси карточка системасини келтириб чиқарди.

Бироқ ишчи Ленинградда карточкалар жорий этилиши ҳақида танқидий фикр билдирди. Қамал вақтида, уруш йилларида бутун мамлакат Ленинграднинг жон сақлаб қолишига ёрдам берган эди. Энди бўлса, биз карточкалар жорий қиляпмиз ва шу тариқа псковликлар, новгородликлар, калининликлар, вологдаликларни маҳсулот сотиб олиш имкониятидан маҳрум қиляпмиз.

Сўзга чиқувчи ҳаммамиз зўр бериб интилган демократия баъзи жойларда анархияга айланиб кетганлиги ҳақида алам билан гапирди. Баъзи республикаларда бўлаётганидек, томоққа пичоқ тирайдиган «демократия» бизга керак эмас. Ўз вақтида қатъий чоралар кўриш керак эди. Сўздан амалий ишга ўтиш вақти келди — қабул қилинган қонунларни давлат кучли қўли билан амалга ошириши керак. Кучли қўл ҳеч бир даъватга муҳтож бўлмаган, ниқташга эҳтиёж бўлмаган кишиларни ушламайди. У фақат оғир суратда нормал ишлашни истамаётганларгагина тааллуқли бўлади.

«Ижорский завод»да ишловчи коммунистларнинг 5 минг кишилик отряди вакили ўз ўртоқлари номидан гапириб, улар партияда вужудга келган аҳволдан изтиробга тушаётганликларини айтди. Бирлашманинг ўзидагина ҳар ойда йигирма киши партиядан чиқмоқда. Булар партияга ишончни йўқотган ҳақиқий ишчилардир.

Нотиқ «Ижорский завод» коммунистларининг топшириғига мувофиқ партиядаги аҳволни соғломлаштиришга қаратилган бир туркум таклифларни М. С. Горбачевга узатди.

Раислик қилувчи **М. С. Горбачев** танаффус эълон қилиш олдидан кенгаш президиумига тушган бир қанча хатларни ўқиб берди. Хатлардаги таклифларнинг мазмуни асосан иқтисодий ҳисоботларни тингламасдан, балки қайта қуришга нималар халақит бераётгани, жамиятни янада ривожлантириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида аниқроқ гапиришдан иборат.

Кенгаш президиумига нотиқларнинг олдиндан рўйхатини тузиб қўйишдан воз кечишни таклиф қилиб хат ёзган Минскдаги «Ҳисоблаш техникаси» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси **А. С. Дроздов** сўз олди. У ўз таклифини партия сиёсий раҳбариятининг меҳнакашлар билан ушбу кенгашини ўртамиёна ишлаб чиқариш кенгашига айлантириб юборишга йўл қўйиб бўлмаслиги билан асослайди. Ишлаб чиқаришдаги муаммолар ҳақида ҳам гапириш мумкин, дейди у. Бироқ, аввало партия ва айрим раҳбар коммунистларнинг ҳозирги обрў-эътибори савияси билан боғлиқ бўлган масалалар диққатга сазовордир. Нотиқнинг фикрича, ҳозир бу савия ҳаддан ташқари паст.

У ўз фикрини корхона бошланғич партия ташкилотининг турмушидан олинган аниқ-равшан мисоллар билан исботлади. Бу ерда, масалан, уч юз ишловчига салкам 50 коммунист тўғри келади, мураббий усталар орасида эса партиясизлар эллик фоиздан ошади.

Айни шу боисдан ҳам партия ташкилоти қабул этаётган қарорларни ёнгинамизда ишлаб турган партиясизлар маъқуллаб кутиб олмаяптилар, дейди нотиқ. Одамлар очиқ партия йиғилишларида қатнашишга мутлақо интилмаётганлиги факти ҳам шу фикрни исботлайди.

Менинг эътиқодимча, ишчиларнинг ёш ўринбосарларини тайёрлаш, янги авлодни тарбиялаш соҳасидаги ачинарли аҳвол оммага партиявий таъсир йўқолиб бораётганлигининг оқибатларидан биридир, деб таъкидлади нотиқ.

Қайта қуриш давомида одамлар ишлаб чиқараётган, улар жамиятга бераётган ҳамма нарсаларни тақсимлашда иқтисодий адолатга эришиш айниқса муҳимдир, деди Хмельницкийдаги «Катион» ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлик бюросининг бошлиғи, область меҳнат коллективлари кенгашининг раиси **Ю. Н. Шуляк.** У ўз корхонаси, бошқа меҳнат коллективлари мисолларида ҳозирча ҳамиша ҳам ўз мажбуриятларини бажариш ёндош касб эгалари томонидан хом ашё етказиб бериш интизомини оширишга олиб бормаётганини айтди.

Областда ишлаб чиқарилаётган кўпгина маҳсулотлар маҳаллий магазинлардан топилмай қолди. Масалан, бу ерда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг саксон фоизга яқини давлат фондига юборилади. Бундай аҳвол самарали меҳнатга рағбатлантира олмайди, деб ҳисоблайди инженер,

У иқтисодий ислоҳотнинг таъсирчанлигига боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишга катта эътибор берди. Жумладан, мутахассис иш ҳақининг ошадиган фондларига кўпайиб борадиган солиқ солиш тўғрисида яқинда ҳукумат қабул қилган қарор хусусида танқидий фикр билдирди. Унинг фикрича, бу қарор ягона технология тўрқуми билан боғланган корхоналарни нотенг шароитга қўяди.

Меҳнатни ташкил этишнинг ижара усулларини жадал жорий этиш — мамлакатни мураккаб иқтисодий аҳволдан қутултириб олишнинг энг истиқболли йўлларидан биридир. Конструктор министрлик ва идораларнинг раҳбарларини меҳнат коллективлари истакларига қулоқ солишга, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишнинг иқтисодий усулларини жорий қилишда уларга дурустроқ ёрдам беришга чақирди. У ўзидан олдин сўзга чиққан кўп нотиқлар каби халқ хўжалиги барча поғоналарининг ўзаро масъулиятини мустаҳкамлаш зарурлигини қатъиян талаб қилди.

Москва областидаги Ухтомский номли қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг цех бошлиғи, меҳнат коллектив кенгашининг раиси **Н. С. Васильченков** ишлаб чиқаришда вужудга келаётган вазиятдан жиддий ташвишланаётганини билдирди.

Ишчилар синфи, деб давом этди, у, мамлакатдаги сиёсий вазият қандай бўлаётганлигига бефарқ қарамайди. Партияга қарши ашаддий кампания олиб борилмоқда. Бу иш катта мақсадни кўзлаб, партияни халқдан ажратиб ташлаш мақсадини кўзлаб қилинмоқда, қолгани эса ўзи-ўзидан қулаб тушади, деб ўйлашмоқда. Бу ишни ишчилар қўли билан қилмоқчи бўладилар.

Ишчилар синфининг соясига яширинган «раҳнамолар» нимани таклиф қиладилар? Улар, деди нотиқ, ҳеч қандай дастур бера олмайдилар, бундай дастур уларда йўқ. Бинобарин, улар халқни эмас, балки ўз манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар. Улар иш ташлашга, вайрон қилишга, миллий заминда қон тўкишга даъват қилар эканлар, шу йўл билан обрў орттиришни истайдилар. Пинҳона иқтисодиёт борган сари суръатни оширмоқда. Бу «раҳнамолар» ҳар қанча ниқобланмасинлар, ишчилар буни жуда яхши тушунадилар.

Партия ўтмиш ва келажак учун масъулият юкини бутунлай ўз зиммасига олди. У қайта қуришни ниҳоясига етказиши керак. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, коммунистлар қайта қуриш бўғилиб қолмаслиги учун, кўп миллатли ҳуқуқий давлатни қуришнинг кенг йўлига чиқиб олиши учун бутун куч-ғайратларини сарфлашлари керак.

Қарағандадаги «Шахтинская» шахтасининг машинисти **П. Пшлегель** ҳал этиш учун жуда катта капитал маблағлар керак бўлмайдиган муаммоларга эътиборни қаратди. Регионни социал ривожлантириш масалаларини кўмир қазиб чиқарувчилар бемалол ўз кучлари билан ҳал қилишлари мумкин эди. Бироқ бунинг учун уларга ўз маҳсулотларини тасарруф қилишда мустақиллик, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тўла хўжайини бўлиш ҳуқуқини бериш зарур.

Қарағанда ҳавзасида кескинлик, қайта қуришнинг боришидан норозилик сақланиб қолмоқда. Шу билан бирга шахтерларга «чирик ёпинчиқни ўз устиларига тортаётган» одамлар деб қарамасликка чақириқ бўлди: улар муаммоларни ўз кучлари билан ҳал эта олдилар, лекин бунинг учун тармоқни қашшоқ ва планли тарзда зарар кўрувчи ҳолатдан чиқариб олиш керак.

Айни вақтда, деди нотиқ, шахтёрларга эрк беришни истамайдиган одамлар бор. Афтидан, ўзлари моддий неъмат яратмасдан, тайёр неъматларни тақсимлашга ўрганиб қолган кишилар Москвадаги иссиққина ўринларини йўқотишдан қўрқадилар. Регион ўзини ўзи халқ истеъмоли моллари билан таъминлай олиши учун, ишчининг фикрича, ўз енгил саноати етарли даражада ривожлантирилгунига қадар шахтерларга қўмирнинг бир қисмини чет элга сотиш, олинган маблағларга эса зарур маҳсулотларни харид қилиш ҳуқуқини бериш керак.

Нутқда Қарағанда ва Темиртовнинг кескин экология муаммоларига эътибор қаратилди, Семипалатинск ядро полигонини ёпиш ҳақида талаб ҳам қўйилди.

Кенгашнинг асосий мақсади тўпланиб қолган барча муаммоларни ҳал қилиш учун бир-биримизни тушуниш, куч-ғайратларимизни бирлаштиришдан иборат, деб ҳисоблайди Кишиневдаги «Молдавгидромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари **П. Г. Василой.**

Бўм-бўш пештахталар одамни ҳафа қилади, деди ишчи. Демак ўзимизни зарур, арзон ва сифатли товарлар билан таъминлай олмаётирмиз. Аҳволни қандай тузатиш мумкин? Энг аввало, деб ҳисоблайди нотиқ, солиқ солиш ва давлат бюджетига ажратмалар системасини тартибга солиш зарур. Корхоналар фойдадан турли ажратмалар нормативларига эга бўлмасликлари, фойдани ҳам ўзлари тасарруф қилишлари керак. Пландан ташқари маҳсулотдан эса умуман солиқ олиш мумкин эмас, чунки бу нарса меҳнат унумдорлигини ўстиришни рағбатлантирмайди.

Нотиқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган кооперативларнинг фаолияти ҳақида гапириб, улар фақат фабрика ва заводлар қошида ишлашини ҳамда маҳсулотни давлат нархлари даражасида сотишларини ёқлаб фикр билдирди.

Шундан сўнг у озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш муаммосига тўхталиб ўтди. Молдавияда кўп мева ва сабзавот йиғиштириб олишади, бироқ ҳосилнинг деярли 30 фоизи нобуд бўлмоқда, инсон меҳнати беҳуда кетмоқда. Агросаноат корхоналари ва хўжаликларини замонавий ускуналар ҳамда холодильниклар билан таъминланиши зарур. Бу муҳим муаммони норентабел колхозлар ва совхозларни йирик корхоналар таркибига киритиш йўли билан ҳам ҳал қилишга ёрдам бериш мумкин бўлур эди. Ҳар икки томон фойда кўради — ишчилар маҳсулот оладилар, деҳқонлар эса хўжаликнинг молиявий аҳволини ўнглаб оладилар.

Мен, деди Новосибирскдаги тикувчилар касаба союзи марказий комитети номли фабриканинг цех бошлиғи **Л. В. Кононова,** Ватанимиз саноатининг аҳолини кўплаб талаб қилинадиган товарлар билан зарур миқдорда таъминлаши керак бўлган тармоғидан вакил бўлиб келганман. Аммо харидор бўм-бўш пештахталар олдида бизни койиб, эслашини ҳам эшитасиз.

Иқтисодий ислоҳотнинг муваффақияти учун муҳим бўлган мана шу ишда ҳамма нарса бизга боғлиқми? Нотиқ бу саволга жавоб берар экан, бунда ҳали ҳам буйруқ асосида планлаштириш, бор нарсага қараб эмас, балки истакка қараб планлаштириш асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда, деб таъкидлади.

Мен Москвага қувонч ва ташвиш билан йўлга чиқдим, деди Самарқанд «Электробитмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғув цехининг бошлиғи **Э. Мардонов,** қувонганимнинг боиси шуки, партиямиз ишчи ва деҳқонлар билан маслаҳатлашишдан иборат ленинча анъанани қайтадан тиклади. Ўз қайта қуришимиз, айни бизнинг қайта қуришимиз тақдири учун эса ташвишланяпман, зеро биз, меҳнаткашлар қайта қуришнинг муваффақиятидан биринчи галда манфаатдормиз.

Афсуски, қайта қуриш нинг душманлари бор. Улар КПССга тўхтовсиз хуруж қилмоқдалар. Турли-туман норасмий ташкилотлар, шунингдек халқ фронтлари ўзларини гўё фақат уларгина меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаётгандек, партия эса гўё яхшироқ турмуш сари ҳаракат қилишга халақит бераётгандек қилиб кўрсатмоқдалар.

Партиянинг ўзида ҳам қайта қуришни янада қатъият билан олиб бориш керак, албатта, унинг Устави ва Программасини қайта кўриб чиқиш, ички партиявий муносабатларни имкони борича демократиялаш, асоссиз марказлаштириш иллатларини бартараф этиш керак, деди сўзини давом эттириб инженер. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг мақомини ҳам қайта кўриб чиқиш лозим. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам КПССнинг барбод бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бу — фақат ички партиявий иш эмас. Давлатимизнинг тақдири, ҳар бир кишининг тақдири шунга боғлиқ.

(Э. Мардонов нутқининг тўла матни газетанинг навбатдаги сонида босилади).

«Братсклес» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тайёрловчилар бригадири **С. Б. Голубев** Иркутск областидаги ижтимоий муаммоларга тўхталди.

У ўз тармоғида меҳнат унумдорлиги ончалик ўсмаётганлигининг сабаблари ҳақида куюнчаклик билан гапирди.

Одесса областидаги «Правда» газетаси номли колхоз кооперативлари уюшмасининг раиси **А. Н. Дикусарова**нинг фикрича, ёмон иш давлат даражасида рағбатлантирилмоқда, шунинг оқибатида тайёрга-айёрлик кучаймоқда. Бир неча йил муқаддам қишлоқ меҳнатчиларига расценкалар бирданига 50 фоиз оширилди, аммо бундан меҳнат унумдорлиги ошмади. Биз ўз хўжалигимиздаги ҳамма бўлинмаларни хўжалик ҳисобига ўтказдик. Мана шунда ёмон ишлаётганлар кам ҳақ олиши маълум бўлди.

Нотиқ баъзи ташқи савдо идораларининг имиллаб ишлаётганлиги ҳақида ҳам гапирди. Унинг фикрича, чет эллардан баъзан нооқилона харид қилишлар қишлоқ хўжалигига путур етказмоқда. Масалан, бултур ёзда мамлакатимизда помидор, пиёз, саримсоқ пиёз ҳосили яхши бўлишига қарамай, чет эллардан кўп миқдорда мана шу маҳсулотлар сотиб олинди.

Кечқурунги мажлисда кенгаш қатнашчилари кейинги кунларда Бокуда, Озарбайжоннинг бошқа бир қанча аҳоли пунктларида, шунингдек Арманистоннинг баъзи районларида қилинган безориликлар ва жиноятларнинг қурбонлари хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Навбатдаги нотиққа сўз беришдан аввал раислик қилувчи яна «кенгашни ўйлаб қўйилган изга солиб юбориш» — ишлаб чиқариш тўғрисидаги ҳисоботларни тўхтатиш таклиф этилиб, президиумга юборилган хатларни ўқиб эшиттирди. Зал аҳли буни маъқуллаб кутиб олган бўлса ҳам, аммо кенгашнинг шундан кейин бориши барча нотиқлар ҳам мана шу оқилона огоҳлантиришга қулоқ солмаганликларини кўрсатди.

Ўқиб эшиттирилган хатлардан бирида нотиқлар «ўз масалаларини ҳал этиш учун «иш ташлаш» сўзи ёрдамида тазйиқ ўтказмасинлар» деб таклиф қилинган эди. Кенгаш қатнашчилари шу фикрга ўз муносабатларини қарсаклар билан изҳор этдилар.

Шундан кейин сўзга чиққан «Тиндатрансстрой» трести шофёрлари комплекс бригадасининг раҳбари **В. Н. Сельминский** барибир ўз нутқини асосан хўжалик масалаларига бағишлади.

У Байкал-Амур магистрали зонасидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муаммолари ҳақида гапириб, ҳукуматнинг иқтисодиётни соғломлаштириш юзасидан СССР халқ депутатлари II съезди маъқуллаган фавқулодда чора-тадбирлари дастурини тўла-тўкис қўллаб-қувватлашини изҳор этди. Шу билан бирга, транспортчи, башарти, ҳукумат янги минтақаларни ўзлаштиришга чинакам давлат манфаатларини кўзлаб ёндашмоқчи бўлса, қандай чораларни кўриши мумкинлиги ва лозимлигини айтиб ўтди. Жумладан, нотиқ БАМ зонасидаги қурилишни пул билан таъминлаш масалаларини назоратсиз қолдирмасликни талаб қилди.

Биз барча иттифоқдош ва автоном республикалардан борган 70 миллат намояндалари неча ўн йиллардан буён аҳил ишлаб келаяпмиз, шу сабабли кейинги вақтларда мамлакатда кескин тус олган миллатлараро можаролар бизнинг ақлимизга ҳам, кўнглимизга ҳам ҳеч сиғмаяпти. Яна бир нарсани ҳам тушунмаяпмиз: агар ишлаш ўрнига иш ташлайдиган бўлсак, яхшироқ яшай оламизми? Бу биргина менинг фикрим эмас, ҳар қандай машаққатларга қарамай, энг заҳматли аср қурилишини уч беш йилликдан бери тарк этмаётган барча кишиларнинг ишчи сўзидир, деб таъкидлади нотиқ.

«Горький автомобиль заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг темирчиси **Н. П. Кустарев** ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашда инсон омилининг аҳамиятини эслатиб ўтди. Биз инсонни унутиб қўймоқдамиз, чамаси, барча иш соҳаларида интизом жуда пасайиб кетганлигининг сабабларидан бири ҳам мана шунда бўлса керак, деди ишчи.

Ўртоқларимнинг хўжалик ҳисоби муносабатлари имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш учун қилаётган саъй-ҳаракатлари кўпинча хом ашё етказиб бериш системасининг пароқандалигига дуч келмоқда, деди у. Ишчи кейинги вақтларда бир қанча мудофаа корхоналарининг бўшатиб олинаётган катта қувватларидан ички бозорни моллар билан яхшироқ таъминлаш учун дуруст фойдаланилмаётганлиги хусусида таажжубланиб гапирди. Мудофаа корхоналарини аҳоли манфаатлари хизматига бериб юборишнинг умумдавлат дастури керак, деди у.

Нотиқ ғояларнинг шунчаки мажмуи эмас, бутун бошли «бир қопи» борлигини айтиб, давлат ва кооператив секторларининг ўзаро муносабатларига тўхталди, социалистик корхона тўғрисидаги қонун унингча қандай бўлиши кераклиги ҳақида гапирди. Унинг ҳукумат транспортнинг ишини тубдан яхшилаш учун ёрдам сўраб меҳнат коллективларига мурожаат қилсин, деган таклифи қарсаклар билан кутиб олинди.

Горькийлик ишчи партиянинг ўзидаги қайта қуриш муаммоларини ҳам тилга олди. КПССга қилинаётган хуружлар, уни миллий белгиларга қараб парчалаб юбориш йўлидаги уринишлардан ғазабланяпман, деди у. Литва Компартияси XX съездининг КПССдан ажралиб чиқиш тўғрисидаги қарорлари барча ўртоқларим каби мени ҳам жуда хафа қилди.

Орел область «Вишнеольшанский» совхози кооперативлар уюшмасининг раиси **Ю. Н. Дорофеев** қишлоқда сўнгги вақтда хўжалик юритишнинг хилма-хил шакллари ривожланиши муносабати билан пайдо бўлган мутлақо янги тоифадаги ишчилар номидан гапирди. Шунинг учун ҳам унинг фақат ишлаб чиқаришгагина оид бўлиб кўринган нутқи айни вақтда қишлоқдаги қайта қуриш жараёнларининг жонли мисоли бўлди.

Совхозда ишни ижара коллективларини яратишдан бошлаб, мантиқан бу коллективларни бирлаштириш лозим деган фикрга келдилар. Буйинг эвазига ижарачилар хўжалик иштирокида умумий муаммоларни самаралироқ ҳал этишга, камроқ чиқим билан чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга эришмоқдалар: масалан, бир йил ичида гўшт хариди бир ярим баравар кўпайди.

Нотиқ ўз тажрибаси асосида мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш йўлларини таҳлил қилар экан, барчага, яъни колхозларга, совхозларга, деҳқон хўжаликларига, ижарачилар кооперативларига кенг имкониятлар берилишини ёқлаб гапирди. Конкрет шароитлар учун қайси форма энг мақбуллигини эса мусобақа кўрсатади.

Нотиқнинг фикрича, агар деҳқонлар техникавий жиҳатдан ишончли таъминланиш кафолатига эга бўлсалар, шунингдек яхшироқ ижтимоий-маиший шароитлар яратилса ижара усули қишлоқда яна ҳам обрўлироқ бўлиши мумкин эди. Агросаноат соҳасига илғор иқтисодий ўзаро муносабатларни жорий этишда пухта ўйланмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик керак, аммо айни вақтда сусткашлик қилиш ҳам ярамайди, деди кооперативлар уюшмасининг раиси.

Сўз Удмуртия АССРдаги Глазов тикувчилик фабрикаси чевари **Н. Г. Князевага** берилади. Делегациямиз аъзолари, деди у, ушбу анжуманга катта умид боғлаётганликларини сизга етказиб қўйишни топширдилар. Биринчидан, бутун мамлакатга ёйилиб кетган иш ташлашлар, митинглар ҳамда аҳволни дарҳол яхшилаш хусусидаги узлуксиз талаблар ташвишга солмоқда.

Тўсатдан қишлоқ меҳнаткашларининг, айниқса чорвадорларнинг иш ташлашини бир лаҳза тасаввур қилиб кўринг, деди нотиқ мажлис аҳлига мурожаат қилиб. Нахотки шундай қилиб ҳозир аҳволни ўнглаб бўлса?

Яна шу нарса танг қолдиradики, деди тикувчи сўзини давом эттириб, мамлакат учун кескин бўлган ҳозирги даврда матбуот амалий роль ўйнамаяпти, у иш ташлаганларни жафокаш қилиб кўрсатмоқда. Нега энди ҳозиргача ҳам газеталарнинг саҳифалари, телевидение экрани ҳар хил салбий ҳодисалар тўғрисидаги ахборотларга тўлиб-тошиб кетган? Бу ҳақда, одатда ҳеч қачон дастгоҳ ёнида ва мартен печи олдида турмаган кишилар, умрида поезд ва комбайн ҳайдамаган кишилар, халқнинг осойишталигини қўриқламаган одамлар гапирмоқдалар. Нахотки, меҳнаткаш одамга қайрилиб қараб унинг эҳтиёжлари ва ўй-ташвишлари ҳақида гапириш учун, мамлакатда содир бўлаётган воқеалар ҳақида, содир бўлган аҳволдан чиқиш йўллари ҳақида унинг фикрини эшитиш учун фурсат етилмаган бўлса?!

Агар мамлакатнинг сиёсий ҳаётида шак-шубҳасиз тараққиётга эришилган бўлса, иқтисодиётда ўша-ўша турғунлик давом этмоқда, баъзи жойларда эса турғунлик яна ҳам чуқурлашди. Бошқирдистондаги «Прогресс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **Е. В. Куликов** бу фикрни иқтисодиётга раҳбарликнинг буйруқбозлик - маъмуриятчилик усуллари ўрнига ҳеч нарса пайдо бўлмаганлиги билан асослади. Гарчи ҳамма фаровонлигимизнинг негизи меҳнат эканлигини билса-да, ҳақиқатда ҳам зўр бериб меҳнат қилишга рағбатлантирадиган система ҳали мамлакатда ишлаб чиқилгани йўқ. Нотиқнинг фикрича, ҳозир ҳамма нарса, жумладан янги қонунлар ҳам унумли меҳнатни рағбатлантиришга, план, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, хўжасизлик ва масъулиятсизликнинг пайини қирқишга қаратилиши керак.

Раҳбарликнинг эски усулларидан воз кечилаётганида, айниқса моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ана шундай усуллардан воз кечилаётганида, неча йиллар мобайнида тўпланган кўпгина қимматли тажрибалардан маҳрум бўлиб қолмоқдамиз. Бу, аввало, яккабошчилик принципларига дахлдордир. Ҳар қандай бошқарув системаси, ҳатто жуда мукаммал бошқарув системаси ҳам буйруқ бериб аралашмасдан, ўз-ўзидан ишлайверади, деб фараз қилиш гўллик бўлур эди. Айни вақтда ҳозир хавотирланиб ана шундай йўсинда аралашилмоқдаки, бу турли-туман бузилишларга олиб келяпти.

Нотиқ саноатдаги қайта қуришни жадаллаштиришга ёрдам берадиган кўп омиллардан планларни мувозанатлаштириш зарурлигини, моддий-техника таъминотини яхшилаш кераклигини, хом ашё етказиб берувчиларнинг зўравонлигидан ҳоли бўлиш даркорлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатди.

СССР илмий ва инженерлик жамиятлари уюшмаси правлениесининг раиси **А. Ю. Ишлинский** ўз нутқини қайта қуриш жараёнларига фантехника зиёлилари қўшаётган ҳиссага бағишлади.

Академик мазкур кенгашда 12 миллион аъзоси бўлган жамият номидан сўзлаётганини эслатиб ўтиб қуйидагиларни таъкидлади: афсуски, фан-техника зиёлилари ҳозирча бизнинг ижтимоий системамизда муносиб ўрин эгаллашгани йўқ. Улар ҳатто ижодий зиёлилар деб эътироф этилаётгани йўқ. Олимнинг фикрича, инженер ва халқ хўжалиги мутахассиси мамлакатимизда гўё иккинчи даражали кишилар бўлиб қолишган.

Нотиқнинг сўзларига қараганда, ёзувчилар, журналистлар ва айниқса серҳаракат иқтисодчилар бош сиймо бўлиб қолишди. Ҳолбуки, инженерлар, агрономлар, зоотехниклар, ишчилар синфи ва деҳқонларнинг чинакам мададкорларидирлар. Ишчилар синфи билан биргаликда инженерлар ва мутахассислар партия ва Совет давлатининг асосий ва энг ишончли таянчидирлар. Нотиқ Совет ҳокимияти органларида ишчилар, деҳқонлар, инженер-техник ходимлар салмоғини кескин ошириш, уларнинг сиёсий фаоллигини кўтариш лозим, деб таъкидлади. Сафсатабозлар ва амалпарастлар эмас, балки асосан, моддий бойликларни яратаётган кишилар сўзга чиқишлари керак.

Шундан кейин нотиқ ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва уни асраш-дек халқ хўжалигини қайта қуришнинг конкрет муаммоларига дахлдор вазифалар хусусида батафсил тўхталди. Унинг фикрича, куч-ғайратни янги машиналар ва материаллар бунёд этишга қаратиш, мамлакатдаги иқтисодий вазиятни соғломлаштириш учун инженерлик усулларидан кенг фойдаланиш керак.

Колхозчи балиқчилар ва уларнинг давлат корхоналарида ишлаётган ҳамкасблари ҳуқуқининг тенг эмаслиги ҳақида Латвиядаги «Бривас вилнис» балиқчилик колхозининг кема капитани **А. П. Угайнис** гапирди. Пенсиялар ҳам, балиқ овланадиган районлар ҳам, лицензиялар ҳам, сузиш базалари ва бошқа кўп нарсалар ҳам колхозчиларга қолдиқ принципига кўра берилади. Қишлоқ ёшларида балиқчилик касбига меҳр уйғотиш учун латиш денгизчиларининг шонли анъаналари ҳақидаги гап-сўзларнинг ўзигина кифоя эмас. Агар жамият ушбу касб обрўсини тиклашдан манфаатдор бўлса, ўз қисматини денгиз билан боғлашга аҳд қилган ҳар бир киши буни реал ҳис этиши керак.

Нотиқ СССР Балиқ хўжалиги министрлиги раҳбариятини танқид қилди. Бу раҳбарият совет кишиларининг дастурхонига мўлжалланган маҳсулотнинг бир қисмини чет элларда сотишга рухсат берди. Балиқчиларга эса пландан ортиқ тайёрланган маҳсулотни ўзлари тасарруф этишдек қонуний ҳуқуқларига монелик қилинмоқда ва лицензиялар берилмаяпти.

Колхоз аъзоси бўлган балиқчи Латвия аҳли Болтиқбўйи республикаларининг иқтисодий мустақиллиги тўғрисидаги Қонундан жуда умидвор эканликларини айтди. Агар ана шу Қонун изчиллик билан амалга оширилса, ҳозирнинг ўзидаёқ шикоятлар анча камайиб, марказдан уни бер, буни бер, деб сўраб ўтирмаган бўлур эдик. Бунинг натижасида Умумиттифоқ хазинасига қўшилаётган ҳисса ошган бўлур эди.

Неча йиллардан буён бизни обдон мақтаб, нефть қироллари, ишчилар синфи карвонбошиси деб номлаб келишди, деди аччиқ киноя билан «Нижневартовскнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бурғулаш мастери **В. В. Ляпин.** Шу билан бирга бизни сабр-бардош билан, мўмин-қобил бўлиб, камтарона ҳаёт кечиришга ўргатишди. Нефтчилар шаҳрида озиқ-овқат, уй-жой жуда тақчил бўлиб турибди. Ҳамонки одамлар учун нормал турмуш шароитлари яратилмаган экан, улар кўп ва унумли ишлашлари кераклигини қандай қилиб тушунтириш мумкин?

Ҳукумат нефть қазиб олиш тармоғини ижарага ва ижара муносабатларига ўтишга ҳаққи йўқ тармоқ деб белгилади. Кимдир жўрттага ижтимоий кескинликнинг яна бир манбаини вужудга келтирянти. Аммо нефтчилар иш ташлашлар ва ҳукумат билан муҳолифлик йўлини тутмоқчи эмас. Агар бирлашмага кўпроқ мустақиллик берилса, биз ўз куч-ғайратларимиз билан аҳволни ўнглаб оламиз, деди у.

Минск трактор заводи асбобсоз слесари **А. С. Шаранович** нутқида шу корхона меҳнат коллективининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳаётининг айрим муаммоларига дахлдор умумий фикри янгради. Шунга аминмизки, деди у, бугунги учрашувдан муддао — ўтган галги кенгашдан кейин конкрет нима ўзгарганлигини, ўша кезда заводимиз ўртага қўйган муаммолар, яъни нарх белгилаш, моддий-техника таъминоти, турмуш даражасини кўтаришга дахлдор муаммоларни ҳал этиш учун қандай тадбирлар белгиланганлигини раҳбариятдан суриштириб олишдан иборатдир. Бу галги кенгашда биз сўздан амалий ишга ўтишни талаб қилишимиз керак.

Мамлакатда интизомни йўлга қўйишни, иқтисодиёт соҳасида янада қатъий ва конкрет чоралар кўришни, жиноятчиликка қарши, пинҳоний иқтисодиётга қарши чинакам кураш эълон қилишни, ишчилар ва кооператорлар учун бир хил шароит яратишни биринчи галдаги вазифалар, деб ҳисоблаймиз, деди нотиқ.

Ишчи Чернобилдаги авария оқибатларини тугатиш муаммоси хусусида батафсил гапирди. Бу уч республика фожиасидир, деб таъкидлади у ва уларни миллий хонадонларида кулфат билан якка-ёлғиз қолдириб бўлмайди. Фалокат миқёсларига яраша Бутуниттифоқ кўламида ёрдам бериш лозим. Нотиқнинг фикрига кўра, ҳозирча белорус депутатларининг Чернобиль масалаларини умумий хонадонимизда ҳал этишга уринишлари муваффақият қозонмади. Биз ҳамон марказ Чернобиль фожиаси қурбонларига эътибор бермаётганидан ҳафамиз, деди у.

Шундан кейин раислик қилувчи Ленинград вакиллари Латвия ССРдан гўшт етказиб бериш хусусида айтишган танқидий мулоҳазаларга жавобан ёзилган хатни ўқиб эшиттирди. «Гўшт камроқ етказиб берилаётганининг боиси шундаки, Умумиттифоқ фондидан омихта ем берилаётгани йўқ, — дейилади ушбу хатда. — Шунинг учун ҳам республика олдида қора моллар тўёғини кескин камайтириш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Омихта ем бўлса Латвия ўз мажбуриятларини бажариши мумкин ҳамда гўшт ва сут етиштиришни кўпайтира олади. Шунинг учун ҳам ахборот холис, ҳаққоний бўлиши, бир томонлама бўлиб қолмаслиги лозим. Чала ярим ҳақиқатнинг ҳеч кимга кераги йўқ».

Латвия делегациясининг хати ўқилаётганида залдан унинг мазмунини рад этадиган лўкмалар ташлангани учун мазкур муаммо моҳиятини иш орасида ўрганиб чиқишга қарор қилинди.

Озарбайжон ва Арманистонда мураккаб вазият вужудга келганлиги муносабати билан кенгашнинг айрим қатнашчилари мазкур республикаларнинг вакилларига сўз беришни таклиф қилдилар. М. С. Горбачев Озарбайжон ва Арманистон делегациялари учрашишни илтимос қилиб ўнга мурожаат этишганини айтди. Шу учрашувни кечки мажлис тугаши биланоқ ўтказиш мўлжалланмоқда. Учрашув натижалари ҳақида кенгаш қатнашчиларига эртага маълум қилинади, деб келишиб олинди.

КПСС ташаббуси билан бошланган қайта қуришнинг очиқ-ойдин кўриниб турган нуқсонлари ҳам бор, деди Москвадаги «Коммунар» заводининг ишчиси **В. И. Хорошилов.** Интизомнинг бўшашиб кетганлиги, ички бозорнинг барбод бўлганлиги ана шу салбий ҳодисалар жумласидандир.

Бундай шароитда партия ўзини қайта қуриб, ўз обрўсини асраб қолиши муҳимдир, ҳозир партияга зўр бериб ҳужум қилинмоқда. Айни вақтда бир қанча партия органларининг ходимлари бамисоли карахт бўлиб қолиб ҳуружлардан ўзларини ҳимоя қилишяпти, холос. Кўпгина оммавий ахборот воситалари ҳам ўз вазифасининг уддасидан чиқмаяпти. Шу муносабат билан қуйидаги фикр айтилди: партия ўзининг барча ишларини бундан буён ҳам халқнинг кўз ўнгида ошкора амалга ошираверириши керак, шундай қилинса, у халққа яна ҳам яқин бўлади, ўтмишдаги иллатлардан тезроқ форғ бўлади.

Нотиқ ўз нутқининг бир қисмини ҳамкасблари айтишни сўраган муаммоларга бағишлади. Жумладан, деди у, иқтисодий қийинчиликлар, тақчилликдан фойдаланиб текинхўрлик қилаётган чайқовчилар ва савдодаги мафияга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш зарур. Жиноятчиликка қарши қаттиқ зарба бериш, кооператив секторда тартиб ўрнатиш

ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ

Москвадаги жаҳоншумул анжуманда

Келажакка интилиб — Москвада «Экология муаммолари ва омон қолиш мақсадида ривожланиш муаммоларига бағишланган жаҳоншумул анжуман»нинг асосий мазмунини қисқача шундай ифодалаш мумкин. Сиёсатчилар ва олимлар, дин пешволари ва маданият арбоблари бу ерда келажак авлодлар тақдирини ўйлаб сўзга чиқишмоқда.

Шу боисдан 18 январда конгресс қатнашчилари учун умумий таълим масалалари мавзу бўлганлиги бежиз эмас. Нотиқлар болаларни қандай ўқитиш, уларга таълим бериш қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритдилар.

Нацистларнинг кўпчилиги коллежларни тугатишган, докторлик даражаларини олишган, лекин бу уларнинг бировларни қийнаб лаззатланишларига ва қотилга айланишларига халақит бермаган, деди Нобель тинчлик мукофотининг лауреати, ёзувчи Эли Визель. Афтидан улар қадриятлардан эмас, назариядан таълим олганлар, ўша таълим савол беришни ўргатмаган, мафкуравий жиҳатдан тарбиялаган, лекин ақлидрок билан иш юритишга даъват этмаган. Нотиқ янги минг йилликка қадам қўйиш мумкин бўлиши учун инсонпарвар таълимни яратиш зарурлигини таъкидлади.

Юнеско Бош директори Федерико Майор «жаҳоншумул маориф»ни яратишга чақирди. Ф. Майор бу атама таълим соҳасини бир қолипга солишни билдирмайди, деб уқтирди. Мактаб расмий равишда билимлар мажмуасини беribгина қолмай, энг аввало бутун мавжудот, инсон ва табиатнинг ўзаро боғлиқлигини тушунтириб бериши лозим.

Ер юзида яшаётган ҳар киши билим эгаллаши учун шароит яратилиши керак. Чунки ҳозир бир миллиардга яқин киши ўқиш имкониятига эга эмас. Нотиқ ана шу муаммони ҳал этиш учун «Интелсэт» ва «Интерспутник» телекўрсатувлари кенг миқёсли системаларидан фойдаланиш борасида тажриба бошлашни таклиф қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар фонди (ЮНИСЕФ)нинг ижрочи директори Жеймс Грант атроф-муҳитнинг болалар ҳаётига таъсири муаммолари ҳақида гапирди. Ҳар куни Ер юзида 40 минг бола ўлаётганлиги ҳақида даҳшатли статистика маълумотларини келтириб, у болалар ўлимининг бу даражада кўп бўлишининг асосий сабаблари ривожланаётган мамлакатларнинг қашшоқлиги ҳамда ноқулай экологик вазият эканлигини таъкидлади. Маърузачининг фикрига кўра, ҳозир болалар ҳаёти учун курашнинг асосий воситаси — бу одамларнинг, энг аввало экология соҳасидаги хабардорлиги ва маълумоти даражасини оширишдир.

Жеймс Грант парламент аъзоларига ва дин арбобларига мамлакатларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан қабул қилган конвенцияни тасдиқлаш учун ўз обрўларидан фойдаланишни сўраб мурожаат этди. У, агар ҳукуматлар болаларга биринчи галда ғамхўрлик қилсалар, кўп нарсага эришиш мумкинлигини айтди.

Инсоннинг она табиатга аралашуви унинг уйғунлигини бузиб юборди, деди Ҳиндистоннинг АҚШдаги элчиси Каран Сингх. Гарчи дунёдаги билимлар ривожланиб бораётган бўлсада, таълим системаси ҳамма ерда «ядро қуроли пайдо бўлгунига қадар ва жаҳоншумул даражага етишдан аввалги даврдаги фикрлашга» асослангандир. Шунинг учун уни маънавий бирлик талабларига жавоб берадиган янги йўналишлар билан алмаштириш зарур.

Одатда анжуманда раислик қилувчи конгрессда қатнашаётган ёш авлод вакилларини табриклаш билан иш бошлайди. Бу ерда Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатларидан 50 нафарга яқин юқори синф ўқувчилари бор. Уларнинг ҳаммаси ёшлигиданоқ экология муаммолари билан шуғулланадилар. Масалан, москвалик Оля Синешчекова биология синфида ўқийди. Агар мен анжуман минбарига чиқишимга тўғри келганида, дейди ҳаёл суриб у, — мен Орол ва Волга ҳақида гапирган бўлур эдим. Орол денгизи ва Волга дарёси бизнинг география хариталаримизда ёки дарсликларимизда акс эттирилганидан мутлақо бошқача кўринишга эга эканлиги анчадан бери маълум.

Анжуман ўзининг ёш қатнашчиларига кўп нарсаларни берди. Улар ҳозирги кун руҳида, янгича савияда алоқа қиладиган бўлдилар, жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишда масъулият ва унда қатнашиш туйғусига эга бўлдилар. Совет болалар командаси ҳам, Америка болалар командаси ҳам учрашув ҳайъатига табиатни муҳофаза қилишга бағишланган ҳужжатларни тақдим этди.

Шу куни анжуман ташкилотчиларидан бири — инсониятнинг омон қолиши ва унинг ривожланиши учун курашувчи халқаро фонд унинг қатнашчилари эътиборига иккита докладни таклиф қилди. Бу докладларни академик Е. П. Велихов ва СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. В. Яблоков, америкалик олимлар ва сиёсатчилар Фрэнк Фон Хиппель, Амори Ловинс, Вильям Миллер тақдим этдилар. Етакчи сиёсат ва жамоат арбоблари халқаро ташкилоти ядро қуролларига эга бўлган давлатларни ядро ракеталари учирилиши, шу жумладан тасодифий ва рухсат этилмаган учирилиши хавфини камайтириш борасида зудлик билан чора-тадбир кўришга даъват этди.

Олимлар жаҳондаги барча халқларга энергияни тежаш, шу жумладан энергияни тежовчи технологияларни ривожлантириш борасида ғайрат билан ишлашга чақирди. Бу жаҳон миқёсида иқлимнинг исиб кетиши, ҳаво озон қатлами камайиши ва кислота ёмғирлари сингари долзарб экология муаммоларини ҳал этишда ташланган жуда муҳим қадам бўлади.

Анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

ЖУРНАЛИСТАР БИЛАН УЧРАШУВ

СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида 18 январь куни бўлиб ўтган брифингда СССР Ташқи ишлар министрлиги вакилининг қуйидаги мазмундаги баёноти ўқиб эшиттирилди:

«Мамлакат территориясининг шарқий қисмида совет Қуролли Кучлари сонини камайтириш, Осиё — Тинч океан районида ҳам бу кучларни фақат мудофаа структурасига айлантириш юзасидан илгари эълон қилинган тадбирлар доирасида Совет Иттифоқи Вьетнам томони билан келишиб олиб Камрань портида ўз ҳарбий кучларини камайтиришга киришди. 1989 йилнинг охирида у ердан МИГ-23 ва ТУ-16 самолётлари олиб чиқиб кетилди.

Ҳозирги вақтда Камрань аэродромида составида олтидан ўнтагача самолёти бўлган авиаотряд қолди.

Совет томони ана шу тадбирлар Осиё — Тинч океани районида ҳарбий-сиёсий кескинликни юмшатиш, ўзаро ишонч муҳитини мусаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб умид билдиради».

Брифингда афғон мавзуси ҳам тилга олинди. Покистоннинг Пешовар шаҳридаги афғон оппозицияси («еттилар уюшмаси») ҳокимиятнинг халқ номидан гапиришга даъво қилаётган сепарат структураларини бунёд этишга ҳамон уриниб турибди. Шўро деб аталмиш кенгашни чақириш ғояси зўр бериб олдинга сурилмоқда, ушбу шўрога гўё сайлаб қўйилган орган тусини беришга уринишлар бўляпти. Пешоварликлар ниятининг истиқболи йўқлигини уқуб олиш учун башорат қилувчи бўлиш шарт эмас. Ҳаёт шуни ишончли тарзда тасдиқлаб турибдики, барча афғонларнинг иштирокисиз, қандайдир сепарат негизда Афғонистон ички ишларини сиёсий йўл билан тартибга солиб бўлмайди. Президент Нажибулланинг мамлакат ичидаги ва унинг ташқарисидаги барча афғон сиёсий кучлари иштироки билан Кобулда шўро чақириш тўғрисидаги янги ташаббуси ана шу реалликни тушуниб олишга асослангандир. Барча делегатларнинг шахсий хавфсизлиги ва улар ҳаракатининг эркин бўлишига кафолат берилади. Энди оппозициянинг жавобини кутишга тўғри келади: у афғонларнинг олий миллий манфаатлари нимани талаб этаётганини англаб олганмикан ёки янги қурбонлар ва қон тўкилиши эвазига ҳокимиятни зўравонлик билан қўлга киритиш учун тор ғаразгўйликни ва умиддан асар ҳам бўлмаган интилишни давом эттиравердими?

Совет ва чет эл журналистларига БМТ Хавфсизлик Кенгаши беш доимий аъзоси вакилларининг Комбоджа муаммосини бартараф этиш масаласи хусусида 15-16 январь кунлари Парижда бўлган мажлиси якунлари ҳақида ахборот берилди. Мажлис қатнашчилари Комбоджа халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаши масалани шу тахлитда ҳал этишнинг самараси бўлиши керак деган қўнимга келдилар. Улар БМТ қузатувида Комбожада сайлов ўтказиш фикрини қўллаб-қувватладилар.

Прагада Чехословакия территориясида турган совет қўшинлари билан боғлиқ масалалар хусусида Совет — Чехословакия музокараларининг биринчи давраси бўлиб ўтганлиги тўғрисида хабар берилди. Музокаралар чоғида кўриб чиқилаётган муаммонинг сиёсий, ҳарбий, халқаро-ҳуқуқий, молиявий ва бошқа жиҳатлари дастлабки тарзда муҳокама қилинди. Амалий фикрлашув бўлди, бу томонларнинг, жумладан қўшинларни олиб чиқиб кетиш масала хусусидаги позициялари билан танишиш имконини берди.

Чехословакия делегацияси аниқ муддатларни кўрсатиб, Чехословакия территориясидан совет қўшинларини босқичма-босқич олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги битим лойиҳасини, шунингдек қўшинлар олиб чиқиб кетилаётган даврда уларнинг мақоми тўғрисидаги масалани ҳал этиш тартиби тўғрисидаги таклифни тақдим этди.

Бир қанча масалалар қўшимча тарзда кўриб чиқишни тақозо этаётганлиги муносабати билан томонлар музокаралар узоғи билан февраль ойининг биринчи ҳафтасида Москвада давом эттирилади, деб келишиб олдилар.

(ТАСС).

Муносиб номзодлар

ЎзТАГ мухбирларининг хабар қилишларича, Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб қуйидагилар рўйхатга олиндилар:

2-Фурманов сайлов округидан — Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармаси автобазасининг шофери Ф. М. Маматов.

* * *

69-Студентлар сайлов округидан — Ўзбекистон ССРнинг СССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий вакили Ш. З. Камолхўжаев, «Ўзбекзолото» ишлаб чиқариш бирлашмаси олтин қазиш конининг директори Ш. Нажимов ва «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Б. Ш. Шоюсупов.

* * *

148-Дардоқ сайлов округидан — Андижон область Қўрғонтепа район халқ таълими бўлимининг мудири А. Мақсудов, Андижон область Қўрғонтепа районидаги Навоий номли колхоз раиси А. Мирзажонов, шу райондаги «Қаҳрамон» колхозининг раиси Ю. Мамарайимов, шу райондаги Ленин номли колхоз бригадири А. Мадраҳимов, шу райондаги «Комсомол» колхозининг сут соғувчиси С. Эрматова, Қўрғонтепа пахта тозалаш заводи болалар боғчасининг мураббияси М. Х. Эгамбердиева ва Қўрғонтепа районидаги Тўқтағул номли колхознинг бош иқтисодчиси К. Қамбаров.

* * *

267-Жийдакапа сайлов округидан — Тошкент олий партия мактабининг ректори М. Искандаров ва Наманган область Уйчи районидаги Тельман номли колхоз бригадири Н. Мамадалиев.

* * *

438-Қайнар сайлов округидан — Фарғона область Ўзбекистон районидаги «Пахтақайнар» колхозининг аъзоси Х. У. Йўлдошева, Фарғона область «Қўқон» совхозининг ишчилари Н. О. Алиқулова ва О. М. Исоқова.

* * *

497-Чимбой шаҳар сайлов округидан — 40-Чимбой автомобиль корхонасининг шофёри Ж. Берданов ва 316-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колоннанинг бригадири Т. Қутлумуратов.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Жиззах, 18 январь. (ЎзТАГ). Сирдарё область партия комитетининг бугун бўлган пленумида область ижроия комитети раиси А. А. Айдарқуловнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уйжой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Советларининг иши ҳақида ҳисоботи тингланди.

Коммунистлар меҳнаткашлардан 1989 йилда область партия комитетига тушган хатлар ва оғзаки мурожаатлар билан қандай иш олиб борилганлигини ҳам муҳокама қилдилар.

Пленумда Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков нутқ сўзлади.

ҚАРШИ ДАШТИ ЎЗЛАШТИРИЛА БОШЛАНГАНЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

Бундан чорак аср илгари юз йиллар давомида инсон қўли тегмаган, ўтмишда сукунат ўлкаси бўлиб келган Қарши даштига қаттиқ шамоллари-ю, чанг-тўзонлари, чидаб бўлмайдиган жазирама иссиқликларига қарамасдан биринчи кўнгиллилар келиб, ер ўзлаштиришни бошлаб юборгандилар. Улар келгусида кўплаб юқори навли пахта етказиб берадиган Ўзбекистоннинг янги йирик иқтисодий районини барпо этишга ахд қилишган эди.

Саҳрога келганлар хотирасида дастлабки оғир кунлар воқеалари муҳрланиб қолган. Ўшанда баъзилар бир неча йилдан кейин бепоён даштда оппоқ пахта далалари, кўм-кўк боғ-роғлар барпо этилишига унча ишонқирамаган эдилар. Лекин инсон қўли гул экан. Қисқа вақт ичида минглаб гектар ерлар ўзлаштирилиб, сув чиқарилди.

Қарши дашти мисли кўрилмаган даражада обод бўлди. Эндиликда ўша пайтда инсониятнинг нимага қодирлигини амалда исбот қилган марду-майдонлар биринчи автомобиль йўли учун қоқилган қозиқни ҳам, дастлаб пойдевори тикланган турар жой кварталини ҳам, Қарши магистрал канали трассаси учун экскаватор илк бор зовур қазиган жойни ҳам фахр билан кўрсатишади.

Бугунги кунда ўша даштнинг ўзаги — замонавий гидротехниканинг ўзига хос комплекси, 180 километр узунликдаги Қарши магистрал канали савлат тўкиб турибди. Каналнинг 6 насосли станцияси Амударёдан секундига 175 кубометр сувни 132 метр баландликка тортиб чиқармоқда. Қарши канали қуйи қисмида жойлашган 1,5 миллиард кубометр ҳажмли Толлимаржон сув омбори ёзда экинларни сув билан таъминлаётган бўлса, кузги-қишки даврда об-ҳаётни бир хил нормада сақлаб турибди. Айни пайтда канал қуввати икки баравар ошган. Магистрал каналдан сал нарида Қашқадарё области эски суғориладиган зонаси хўжаликларига об-ҳаёт берувчи 100 километр узунликдаги Ульянов канали чўзилиб кетган.

Ўтган давр ичида Қарши чўлида 250 минг гектар қўриқ ер ўзлаштирилиб, сув чиқарилди. Бу соҳада сув хўжалиги қурилиши ходимлари олиб борган ишлар кенг миқёсли. Улар томонидан одам оёғи етмаган саҳрода қарийб 7 минг километрли суғориш шахобчалари қурилди. Қувурли ёпиқ дренажлар узунлиги 8 минг километрга етказилди. Тик дренажлар ёрдамида 40 минг гектар майдон ҳолати яхшиланди.

Даштда қад кўтараётган уй-жой бинолари, маданий объектлар ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу ерда шу кунгача 2,5 миллион квадрат метр турар жой бинолари, 40 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 12 минг ўринли болалар боғчаси, 13 минг ўринли клублар, бир неча касалхона ва поликлиникалар бунёд этилди. Буларнинг ҳаммаси Ўрта Осиёдаги йирик «Каршистройиндустрия» бирлашмаси аҳил коллективининг фаол иштирокида амалга оширилди.

Суғориладиган янги ерларда 6 та маъмурий районлар ташкил этилди. Эндиликда чўлнинг ёш ҳисобланган Нишон, Ульянов, Толлимаржон ва бошқа бир қатор шаҳарлари гуллабяшнаяпти, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланмоқда.

Ҳозир бу жойлар республика пахтачилигининг йирик регионига айланган. Мазкур чўл зонасида 3 миллион тонна «оқ олтин», кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Область қўриқ ерларидан олинаётган ялпи пахта ҳосилининг 47 фоизи худди шу зонада тайёрланаётгани ҳам бежиз эмас.

Чорак аср олдин Қарши даштини ўзлаштиришга Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан минглаб кўнгиллилар келишган эди. Улар жасорат майдонида байналмиллалик бурчларини халол ado этдилар, чўлни бўстонга айлантирдилар. Ҳозир ихтисослашган «Каршистрой» қурилиш бирлашмасида СССР халқлари бузилмас дўстлигини ифодаловчи 60 га яқин миллат вакиллари қўлни қўлга бериб меҳнат қилишмоқда.

Даштни ўзлаштиришдаги эришган ютуқлари учун бу байналмилал коллектив Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.

Бугунги байрам кунида чўл соҳиблари жасорат майдони бўлган Қарши даштига биринчи қадам қўйиб, бу ерларни боғу бўстонга айлантирган Б. Усмонов, Ҳ. Шоғазатов, Н. Каменев, В. Ларин, Г. Пак, Н. Шукуров, Б. Чаркин ва бошқа кўплаб кишиларнинг номларини ҳурмат билан тилга олишмоқда. Чунки уларнинг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги, инженерлик тажрибаларини кенг оммалаштириши натижасида йирик «Каршистрой» қурилиш коллективи тузилиб, даштда буюк бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Айни пайтда бу анъанани Қарши дашти меҳнаткашлари давом эттиришиб, катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Э. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети раиси.

ДАВР ТАЛАБИ АСОСИДА

Бухоро областининг Свердлов районидаги илғор педагогик коллективларда ўқиш, ўқитиш ишларини замонавий талаблар асосида олиб боришга алоҳида аҳамият бериляпти. Мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда ёшларга пухта билим бериш йўлида қилинаётган жонкуярлик ўз самарасини бераётир. Бу борада кейинги пайтларда маорифчилар қўлга киритган баъзи ютуқларни кўрсатиш мумкин.

Райондаги Жуковский номли мактабда ҳам анчагина муваффақиятларга эришилди. Айниқса, бу ерда олти ёшлилар тарбиясига дуруст эътибор бериляпти. Чунончи, уларнинг ўқишлари, дам олишлари, фанларни ўзлаштиришлари учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Суратда: бошланғич синф ўқитувчиси Севара Солиҳова олти ёшли ўқувчилар дарсида. У ўзининг бутун тажрибасини болаларнинг пишиқ-пухта билим олишларига қаратган.

Ҳ. ҚУРБОНОВ сурати.

• Спорт

ДОСААФ:
ФАХРЛИ ЎРИНЛАР

Пенза шаҳрида денгиз учкураши бўйича шаҳар командалари ўртасида учрашувлар бўлиб ўтди. Республикамиз ДОСААФчилари қишки турнирда муваффақиятли иштирок этишга ҳаракат қилишди. Болалар ва ўсмирлар спорт-техника мактаби талабалари ёшларига кўра турли группаларда баҳслашдилар. Вакилларимиздан Жанна Машинцева юқори натижа кўрсатиб, умумкоманда ҳисобига муносиб ҳисса қўшди. Унинг командадоши Татьяна Цой иккинчи ўринни олди. Ольга Балух билан Ирина Козерева ҳам қимматли очколар келтиришди. Курашчиларимиз умумкоманда ҳисобида тўртинчи бўлишди.

ШАШКА:
ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

Ленинград областининг Зеленогорск шаҳрида мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилди. Дона суриш баҳсида 18 команда иштирок этди. Мусобақада самарқандлик шашкачилар муваффақиятли иштирок этишди. Улар 45 имкониятдан 32,5 очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллашди. Майдон эгалари билан Минск спортчилари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олишди.

ЗАКАВКАЗЬЕДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

БОКУ, 18 январь. (Озаринформ—ТАСС). Бокудаги вазият мураккаб ва ниҳоятда кескинлигича қолмоқда.

Асосий йўлларидаги ҳаракат тўхтатиб қўйилган. Шаҳар транспорти қисман, бир қанча корхоналар тўла қувват билан ишламаяпти.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаков, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Гиренко, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-Р. Х. Везиров жамоатчилик вакиллари билан учрашдилар. Шаҳарда осойишталик ва тартибни таъминлаш учун мавжуд барча имкониятлардан фойдаланиш, иғволарга учмаслик зарурлиги таъкидланди.

Е. М. Примаков Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети биноси олдида бўлган кўп минг кишилик митингда нутқ сўзлади. Бунда гап асосан Бокудаги вазиятни нормаллаштириш, ҳеч қандай ғайри қонуний ҳаракатларга йўл қўймаслик зарурлиги тўғрисида борди. Е. М. Примаков аҳоли хавфсизлигини, СССР Олий Совети Президиумининг Тоғли Қорабоғ автоном области хусусида чиқарган қарорининг бажаралишини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида гапирди.

Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми бокуликларга мурожаат қилиб, уларни оқил ва бардошли бўлишга, эҳтиросларга ақлидрокдан устун келишига йўл қўймасликка даъват этди.

* * *

БОКУ, 18 январь. (Озаринформ). Бугун эрта тонгдан бошлаб Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети биноси олдида узлуксиз кўп кишилик митинг бўлмоқда. Минбарга нотиқлар кетма-кет чиқишмоқда. Республика пойтахти аҳли бебошлик ва зўравонликни қоралаб, етилган масалаларга жавоб берилишини талаб қилмоқдалар. Озарбайжоннинг бутун территориясида, шу жумладан, Тоғли Қорабоғ автоном областида суверенитет қачон тикланади? Қуролланган экстремистларнинг Озарбайжон қишлоқларига ҳужумлари қачон тўхтатилади? Оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан, марказий газеталарга кўпгина эътирозлар билдирилмоқда. Митинг қатнашчиларининг фикрича, матбуот органлари ҳақиқатнинг бир қисминигина хабар қилиб, газетхонларни чалғитмоқдалар ҳамда бир томонлама ижтимоий фикр уйғотмоқдалар. Масалан, матбуотда Озарбайжон Арманистонни қамал қилгани қораланмоқда. Аммо Арманистоннинг Мегри райони территориясидан ўтадиган Озарбайжон темир йўли участкасида 12 январь куниёқ поездлар қатнови тўхтатиб қўйилганини маҳаллий матбуотдан ташқари ҳеч ким ёритмади. Бу ерда Нахичеван АССРга бораётган поезд ўққа тутилди ва тўхтатилди, ушбу составни қўриқлаб бораётган катта лейтенант Чешкони арман жангарилари шафқатсизлик билан дўппосладилар. Темирйўлчилар ва транспорт милициясининг маълумотларига қараганда, магистралнинг ана шу участкасидаги кўпдан-кўп тоннелларга тош уйиб қўйилган. Ахир, ана шу участка орқали поездлар Нахичеван АССРгагина эмас, Арманистонга ҳам боради-ку. Озарбайжон темир йўлида қўшни республикага етиб бориши лозим бўлган юк ортилган 7,5 мингга яқин вагон тўпланиб қолди. Ана шу участкانинг Мегри станцияси яқинида бугун ички қўшинларнинг постига қуролли ҳужум қилинди. Тўрт ҳарбий хизматчи яраланди.

Республика пойтахтидаги вазият мураккаб бўлиб турибди. Бугунгача 53 киши ўлдирилди, 71 киши яраланди, 200 дан кўпроқ хонадонга бостириб кириб, уртўполон чиқаришди.

Озарбайжон районларидаги аҳвол ҳам мураккаб бўлиб турибди. Иккала томон жангарилари қуролли тўқнашувлари давом этмоқда, Нахичеван АССР, Хонлар ва Шаумян районларида бундай тўқнашувлар, айниқса, кескин тус олиптi. Ганжа яқинида Арманистондан етиб келган қуролланган экстремистлар баланд тоғлардаги Озарбайжон қишлоқларига борадиган йўлларни тўсиб қўймоқдалар. Бугун вертолётлардан тушиб келган десант қурол кучи билан Озарбайжоннинг Хонлар районидаги Михайловка қишлоғини қўлга олди ва қишлоқ аҳолисининг жўнаб кетишини талаб қилди. Озарбайжоннинг Арманистон билан чегарадош районларида ҳам иғвогарона хуружлар тўхтамаяпти.

Шу кунларда Бокуда ҳам, бутун республикада ҳам оқиллик ва вазминлик билан иш кўриш, эҳтиросларни ақл-идрокдан устунлик қилишига йўл қўймаслик ҳақидаги даъватлар баралла янграмоқда.

* * *

Ўтган кеча-кундузда Озарбайжон ва Арманистон ССРдаги вазият кескинлашди. «Озарбайжон халқ фронти»нинг раҳбарлари мамлакат ва республика раҳбарияти, совет жамоатчилигининг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ҳамда можароли вазиятни бартараф этиш йўлларини қидириш тўғрисидаги даъватини рад этмоқдалар. Арманистонда ҳамон зўрлик билан қуроляроғ ва хатто жанговар техникани қўлга киритиш ҳоллари бўлиб турибди. Иккала республикада жангарилар гуруҳларини тузиш давом этмоқда. Мухолиф томонларнинг экстремистлари граждан аҳоли орасидан ва ҳарбий хизматчилардан одамларни гаровга олиши ҳоллари учраб турибди. СССР давлат чегарасидаги бебошликлар тўхтагани йўқ.

Ғаламислар ва тартибсизликларни уюштираётган кишилар Озарбайжон аҳолиси ўртасида ваҳима ва васвасани авж олдириб, вазиятни нормаллаштиришга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилишига ҳалал бериб, фикрларига қўшилмаган гражданлардан ўч оламиз, уларнинг онла аъзоларини обдон дўппослаймиз, деб дағдаға қилишдан ҳам қайтмаяптилар. Ҳарбий қисмларнинг командирлари олдига қурол-яроғ ва ўқ-дори бериш тўғрисида қатъий талаблар қўйилмоқда. Миллатчилик шиорлари ва даъватлари билан бирга диндорларнинг ҳис-туйғуларидан носоғлом мақсадларда фойдаланишга уринмоқдалар.

Совет жамоатчилиги иккала қўшни республикада кечаётган воқеалар ривожидан ғоят ташвишга тушмоқда. Мамлакат гражданлари Совет ҳукумати, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари, Мудофаа министрлигига мурожаат қилишиб, региондаги вазиятни барқарорлаштириш учун қатъият билан ҳаракат қилинишини талаб қилмоқдалар. Шуни ҳисобга олиб, раҳбар органларнинг кўрсатмасига биноан зўравонликни тўхтатиш, одамларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқ-тартиботни тиклаш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

(ТАСС).

Муҳаррир ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

Ўткир РАШИД

Ўзбек совет адабиёти оғир жудоликка учради. Таниқли шоир, драматург, адабиётшунос олим, болалар адабиётининг жонкуяри, қўшиқчилигимиз равнақига катта ҳисса қўшган адиб Ўткир Рашид оғир хасталикдан сўнг шу йил 17 январда вафот этди.

Ўткир Рашид 1915 йилда Қўқон шаҳрида туғилди. 1939 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунининг тил ва адабиёт факультетини тугатди. 1939—1948 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида илмий ходим, бадиий адабиёт нашриётида муҳаррир, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида адабий ходим бўлиб ишлади. Шундан сўнгги йилларда то умрининг охиригача Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ўқитувчилик қилди. У филология фанлари номзоди ва доцент эди. Жумҳуриятимизда малакали мутахассислар, тил ва адабиёт муаллимлари тайёрлаш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

Ўткир Рашиднинг адабий асарлари матбуотда 1935 йилдан кўрина бошлади. Шоирнинг илк шеърий тўплами — «Ёшлик» 1937 йилда чоп этилди. Шундан буён «Меҳнат тантанаси», «Икки ўртоқ», «Ўртоқлар», «Энг ўзғир нимаё?», «Эсим қурсин», «Умр қўшиқлари», «Гулнан диёрим», «Келинг, қўшиқ куйлайлик», «Қўшиқлар гулдастаси», «Йиллар қўшиғи», «Ўйларим» каби ўндан ортиқ шеърий китоблари босилиб чиқди.

Ўткир Рашид қатор ҳикоя ва очерклар муаллифи ҳам эди. Унинг «Совчилар» ,«Қудрат» каби қатор пьесалари жумҳуриятимиз театрларида саҳналаштирилган эди.

Ўткир Рашид «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Ажойиб инсон, меҳрибон мураббий, маданиятимизнинг жонкуяр тарғиботчиси Ўткир Рашиднинг ёрқин хотираси унинг дўстлари ва адабиётимиз мухлислари қалбида узоқ сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/I да **Келинлар қўзғолони** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/I **Муҳаббат навоси** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/I да **Паранжи сирлари** (19.00).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг ходимлари планлаштириш бошқармасининг етакчи мутахассиси Ҳ. Р. Қувондиқова онаси

Гулсум ҚУВОНДИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Зоология ва паразитология институти коллективи Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, биология фанлари доктори, профессор

Аҳрор Тўлаганович ТУЛАГАНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг онла аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи редакция ходими

Эркин ИСАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг онла аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Н. К. Крупская номидаги Тошкент педагогика билим юртининг партия ва касаба союз ташкилотлари билим юрти директори О. А. Эшонхўжаевага онаси

Рихси КАЛОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика кинофильмлар прокати идораси коллективи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Бухоро область кинофильмлар прокати идорасининг собиқ директори

Боқи Қамарович ШАРИПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг онла аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Р. — 01040. № 17. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12